16 895

Илм – ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 9 август, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.
31 (6677)

ЎҚУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси ҳамда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви жойларда мактаб бозорларини ташкил этиш ташаббуси билан чикди. Республикамиз мактаб ўқувчилари учун «Ўзбексавдо» тизимида очилажак 230 дан зиёд ҳамда «Ўзбекбирлашув»нинг 480 га яқин мактаб бозорлари шу йилнинг 10 августидан 10 сентябригача аҳоли хизматида бўлади.

Бу йилги мактаб бозорини ташкил этишдаги муҳим янгилик шундаки, жойларда очилган ярмаркаларда ўқувчилар учун зарур айрим жиҳозлар 30 фоизгача арзонлаштирилган нархларда сотилади. Мактаб формалари ва ўқувчилар пойабзаллари, жилд ҳамда дафтарлар шулар жумласидандир. Ўтган йилгидан фарқли ўлароқ ўқув қуроллари учун илгари жорий этилган талон тизими бекор қилинди. Мактаб бозорларидан керакли буюмларни харид қилишда фуқаролардан энди ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

— Уюшмамиз янги ўқув йили муносабати билан 180 миллион сўмлик товарни сотувга чиқаради. Унинг айрим турларини арзон сотиш эвазига бизга 6,4 миллион сўм, «Ўзбекбирлашув»га эса 418 миллион сўмлик товар эвазига 38 миллион сўм маблағ кам тушади. Буни келажагимиз эгалари бўлган болаларга ҳукуматимизнинг байрам совғаси сифатида қабул қилмоқ жоиз. Зеро, болалар учун сарфланган ҳар бир сўм зое кетмайди, — дейди «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси раисининг ўринбосари Улуғбек Набиев.

Абитуриент-95

«ЭЛ-ЮРТ БИЗГА ИШОНДИ»



Биринчи август куни олий ўқув юртига кирувчилар учун ўтказилган тест синовлари катта туйнинг бошланиши эди. Мана, бугун яна тантана. Ўрта махсус билим юртларининг, шунингдек, институту университетлар сиртқи бўлимларининг эшиги олдида гуруҳ-гуруҳ ёшлар нафақат тест, балки тақдир синовидан ўтиш учун тараддуд кўриб турибдилар. Ҳаяжонли лаҳзалар.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус билим юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Жуманазар Ҳусанович ҲУСАНОВ бу йилги қабул мавсумини шундай шарҳлайди:

— Республикамиздаги мавжуд 252 ўрта махсус билим юртларида тест синовлари ўтади. Фақатгина Маданият вазирлигига қарашли билим юртларигина бундан мустасно. Чунки бу билим юртларига кирувчилар кўпроқ ижодий кўрик-танловлардан ўтишлари шарт бўлганлиги боис, вақтинча уларга анъанавий усулда имтиҳонлар топширишларига рухсат берилди.

Тест синовларига анча пухта тайёргарлик кўрдик. Жойларда тест синовлари, унинг катта аҳамияти ҳақида бир қанча семинар-кенгашлар ўтказдик. Натижа ёмон эмас. Энг муҳими, элу юрт бизга ишонди. Республикамизнинг барча ўрта махсус билим юртларига ўтган қабул мавсумида бор-йўғи 17816 абитуриент ариза топширган бўлса, бу йил бизнинг билим юртларимизга ўқиш хоҳишини билдирганлар 24000 дан ошиб кетди. Бу биз учун анча қувонарли ҳол, албатта.

Жуманазар Ҳусановнинг суҳбатидан яна шу нарсалар маълум бўлдики, ўрта махсус билим юртлари абитуриентларига ҳам олий ўқув юртларига кирувчилар учун қайд этилган имтиёзлар берилади. Имтиҳонларга қўйиладиган саволтопшириқлар ҳам деярли фарқ қилмайди. Бироқ, табиийки, ўрта махсус билим юртларига кирувчилар учун имтиҳон предметлари ҳамда саволлари институту университетларникига қараганда анча оз бўлади.

Суҳбатдошимиз яна бир масалага диққатимизни қаратди:

— Маълумки, ўрта махсус билим юртларига 9-синфни битирган ўқувчилардан ҳам аризалар қабул қилинади. Бироқ, ҳозирча улар учун тест синовларини жорий этолмадик. Насиб бўлса, келгуси йилдан бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилади деган умиддамиз, — деди у.

Ҳа, ҳаммамиз ҳам умидвормиз. Ўйлаймизки, ўрта махсус билим юртларига тест синовлари ҳам элимизнинг бошқа тўйларидек гўзал ва қувончли ўтади.

Луқмон БЎРИХОН.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

БОЛАНГИЗ ҲАРФ ТАНИЙДИМИ?

«Пахтаобод» маҳалласидаги кичкинтойлар учун ажратилган соя-салқин масканда ҳафтанинг белгиланган кунлари ота-оналар жажжи ўғил-қизларини етаклаб келадилар. Бу ерда уларни жонкуяр муаллим Зоҳиджон Норматов қувноқлик билан қаршилайди. Болажонларни эркалаб, ширин сўзлар айтиб, уриндиқларга ўтказади. Уриндиқлар қаршисида ёзув тахтаси, ўқитувчи учун столстул, кўрсатмали қуроллар қўйилган...

Одатдагидек қўнгироқ жаранглайди. Зоҳиджон ака болаларнинг исм-фамилияларини айтиб, ҳамманинг келганлигини назоратдан ўтказгач, машғулотни бошлайди. Ёзув тахтасида ўқитувчи томонидан чизилган тўғри чизиқлар, ҳарф қисмлари пайдо бўлади.

— Ана у думалоқ чизиқ «О», — дейди болалардан бири шошқалоқлик билан.

Болаларнинг қувноқ «О» деган товушлар жаранглайди...

Биз келтирган лавҳа 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Зоҳиджон Норматов таътил кунларида бу йил мактабга борадиган ўғил-қизлар билан олиб бораётган машғулотларнинг бир қисми, холос. Зоҳиджон ака мактабнинг 1-синфига болалар қанчалик тайёргарлик билан борсалар, бошланғич синфдаги ўқиш-ўқитиш ишлари шунчалик осонлашишини, болаларнинг узлаштириш даражаси юқори бўлишини, дарс қуникмасини олдиндан ҳосил қилишнинг аҳамиятини тажрибада кўп бир синовдан ўтказган. Шу боис, ёзги таътил кунларида «Пахтаобод» маҳалласидаги ота-оналарнинг истагига кўра у кичкинтойлар учун махсус тайёрлов машғулотини ташкил этди. Аввало, ўқитувчи маҳалладаги боғчага қатнамайдиган болаларни аниқлади, маҳалла қўмитаси билан биргаликда улар билан суҳбат ўтказди. Сўнг ота-оналар маблағи ҳисобига мактабга тайёрлов машғулотини олиб боришга аҳдлашди. Бу машғулотларда 25 нафар бола қатнашмоқда. Уларнинг аксарияти ҳозирнинг узидаёқ мактаб ўқувчиси тартиб-қоидаларини, болалар синфда ўзини тутишини, ҳарфларни, рақамларни билиб олишди. Машғулотлар оддийдан мураккабликка томон йўналишда бораяпти. Бу тайёрлов гуруҳидаги болалар шартномага кўра 7-мактабнинг биринчи синфига қабул қилинадилар.

Илк бор 1-синфга борадиган ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш борасида Турақўрғон туманининг «Пахтаобод» маҳалласидагина эмас, бир қатор жамоа хўжаликларида, мактаблар қошида тайёрлов гуруҳларида, хонадонларда ибратли ишлар олиб бориляпти. Тумандаги бу яхши тажриба икки йилдан бери таълим-тарбия ишида ўз самарасини бераяпти. Шу боисдан ҳам, Наманган вилоятида болаларни мактабга тайёрлаш, ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳамда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигига бағишлаб ўтказилган республика миқёсидаги анжуманда турақўрғонликлар тажрибаси тилга олинди. Хўш, туманда илк бор мактабга келадиган ўқувчиларнинг тайёргарлиги ҳозирги кунда қандай? Ана шу савол билан биз туман халқ таълими бўлимининг мудири И. Каримовга мурожаат қилдик.

— Янги ўқув йилида туманимизда жами 4300 нафар ўғил-қиз мактабга илк бор қадам қўяди, — дейди И. Каримов. — Улардан 1173 нафари болалар боғчаларида тайёргарлик кўрган қичкинтойлардир. Кўпчилик ўғил-қизлар эса мактабга тайёргарликни турли даражада адо этадилар. Жумладан, улардан 1330 нафари умумтаълим мактабларида, 1590 нафардан зиёди ота-оналар томонидан ўз уйларида, 203 нафари маҳаллаларда ёзги таътил давомида бошланғич синф ўқитувчилари томонидан мактабга тайёрланади. Бунда бир қатор ўқитувчиларимиз ташаббускорлик намунасини кўрсатишяпти. Масалан, 27-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси М. Сирожиддинова меҳнат таътили давомида 10 нафар кичкинтойни мактабга бепул, холисона тайёрлаяпти. 42-мактабга янги ўқув йилида илк бор ўқишга қатнайдиган 40 нафар ўқувчини эса шу билим масканининг икки нафар ўқитувчиси янги ўқув йилига ҳозирлаётир. Бу ўқитувчиларга «Ғайрат» жамоа хўжалиги (раиси С. Ғаффоров) ёрдам бериб, ҳомийлик кўрсатаётир.

Мактабга илк бор тайёргарлик кўраётган кичкинтойларга таълим ишининг жонкуярлари — ҳомийлар ҳам катта ёрдам кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Масалан, хусусий фермер Маҳмуджон Бозоров 21-болалар боғчасида мактабга тайёрланаётган кичкинтойларнинг 18 нафарига ўз ҳисобидан ўқув қуроллари ҳамда ўқувчи формаси сотиб олиб берди. «Ширинлик» ихтисослаштирилган комбинати ҳам ҳомий сифатида катта ҳиммат кўрсатди. Бу корхона 1-болалар боғчаси тайёрлов гуруҳидаги ўғил-қизларнинг 21 нафарига ўқув қуроллари совға қилди. «Наврўз» жамоа хўжалиги эса 13-мактабда боғчага қатнамайдиган 33 нафар болани мактабга тайёрлаётган ўқитувчи ойлигига 500 сўмдан қўшимча маош белгилади.

Ахси қишлоғида «Шерали» хусусий корхонаси бор. Бу корхона раҳбари Ш. Назаровни қишлоқдагина эмас, балки туманда ҳам мактабнинг жонкуяр ҳомийси сифатида фахр билан тилга олишади. У бу йил ҳам 22-мактабда янги ўқув йилида биринчи синфга тайёргарлик кўраётган 24 нафар кичкинтойга катта ҳиммат кўрсатди. Хусусий корхона бўлажак 1-синф ўқувчиларининг ҳар бирига ўқув қуроли олиш учун 250 сўмдан пул ажратди.

Умуман, Турақўрғон туманида кичкинтойларни мактабга тайёрлашда олиб борилаётган мактаб—оила—маҳалла ҳамкорлигидаги яхши ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу эса айни пайтда бошқа туманлар урганса, такомиллаштирса буладиган яхши тажрибадир. Ўйламизки, ўқитувчиларнинг август кенгашларида ҳам жойлардаги ана шундай тажрибалар чуқур таҳлил этилади, мутасаддилар томонидан умумлаштирилиб, оммалаштирилади.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

СИНАЛГАН УСЛУБ

Ҳар бир ишга барвақт киришиш ютуқлар гарови. Янги ўқув йилига мактабларни тахт этиб қўйишда ана шу ақидага қатъий амал қилмоқ маорифчи раҳбарларнинг синалган иш услубларидан биридир.

Буни биз Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани халқ таълими бўлими фаолиятидан ҳам кўришимиз мумкин. Туманда 18 та ўрта, 3 та таянч, 3 та бошланғич мактаб, 10 та болалар боғчаси, 4 та мактабдан ташқари болалар муассасаси, 1 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 2 та ҳунар-техника билим юрти бор.

Ўқув машғулотлари тамом бўлиши биланоқ таъмирлаш ишларига жиддий киришилди. Туман халқ таълими бўлими (мудири Шарофатдин Баўенов) томонидан 131 минг 900 сўмга 40 тонна оҳак, шифер каби муҳим қурилиш материаллари барвақт олиниб, мактабларга ва бошқа муассасаларга ўз вақтида тарқатиб берилди.

Мактаб жамоалари ўз кучлари билан таъмирлаш ишларини май ойи охиридан бошлаб юборди. Июнь ойи ичидаёқ кўпгина илм даргоҳлари таъмирлаш ишларини поёнига етказганлиги ҳақида рапорт беришди. Айниқса, Ш. Рашидов, К. Абдикаримов, Гоголь, Т. Жумамуратов, Н. Давқораев, Ж. Матмуратов, М. Горький, Ломоносов номидаги ва бошқа мактаблар бу борада яхши ибрат кўрсатишди. Хуллас, илм масканлари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ОТА-ОНАЛАР ЁРДАМИ БИЛАН

Китоб тумани Юсуф Хос Ҳожиб номидаги 5-мактабда таъмирлаш ишлари анча барвақт бошланган. Шу кунга қадар 150 ўринли ошхона, 250 ўринли мажлислар зали ва бошқа ўқув хоналари сифатли таъмирланди. Айни пайтда жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти.

Мактаб муаллимлари ва ота-оналар узларига биркитилган синфхона деворларига безак беришни эп кўраётирлар. Бу усул қўлланилса, узоқ муддатгача таъмирга эҳтиёж сезилмайди. Ҳозир бошқа мактаб ўқитувчилари ҳам мазкур мактабнинг таъмирлаш борасидаги тажрибасини ўрганиб кетишяпти.

Бундай ишларни амалга оширишда Х. Ғозиев, Ш. Жабборов сингари ота-оналарнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Туман сув қурилиши ташкилоти эса ушбу мақсадлар учун шу кунгача 60000 сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Бахтиёр САЙЙИД.
Қашқадарё вилояти.

Ёшлигида ким космик кема, сайёраларо космик станция, Ер йўлдошининг ҳақиқий моделини ясашни орзу қилмаган дейсиз! «Узбеккосмос» республика агентлигининг «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида очилган халқаро аэрокосмик мактабига қабул қилинган юқори синф ўқувчилари ана шундай орзуларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлдилар. Машғулотлар бирлашманинг Тошкент вилоятида жойлашган дам олиш зонасида ўтмоқда.

ТОШКЕНТ ЯҚИНИДАГИ КОСМИК МАКТАБ



Ёзги халқаро аэрокосмик мактабга 60 нафар ўқувчи қабул қилинган. Узбекистоннинг турли вилоятларидан, шунингдек, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган болаларга барча шарт-шароитлар яратилган. Лекциялар ва амалий ишлар учун хоналар, компьютер заллари жиҳозланган. Ун кун машғулот ўтказишга мўлжалланган мактаб дастури жуда тиғиз. Юқори синфларнинг ўқувчилари космик тадқиқотлар назарияси билан танишишдан ташқари, жиддий илмий изланишларда иштирок этадилар ва ҳатто узлари учиш аппаратларининг ҳаракатланадиган моделларини ясайдилар. Бу ишда уларга аэрокосмик корхоналарнинг мутахассислари ёрдам беради. Мактабга «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ва бош конструктори, халқаро инженерлар академиясининг академиги Шавкат Воҳидов раҳбарлик қилмоқда. Илмий-тадқиқот институтларидан, Узбекистон, Покистон, Россия, Америка Қўшма Штатларининг олий ўқув юртларидан таклиф қилинган мутахассислар машғулот ўтказишади. Лекторлар орасида космонавт-учувчи Владимир Жонибеков билан тадқиқотчи-учувчи Солижон Шарипов ҳам бор.

— Истеъдодли юқори синф ўқувчилари учун бундай ёзги мактабни еттинчи марта ташкил этишимиз, — дейди «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари Баҳром Исабеков. — Бу йилги мавсумни Узбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишладик. Бу рамзий маънога эга. Мамлакатимизнинг келажаги — ёш авлоднинг қандай камол топиб, қандай кишилар бўлиб етишига боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов нутқларида кўп марта таъкидлаганидек, даврнинг ўзи мактаб — олий ўқув юрти— илмий-тадқиқот институти тарзидаги илмий-таълим комплексларини барпо этишни тақозо этмоқда. Бундай комплексларда илмий-техника тараққиёти устувор йўналиш бўлиши керак. Космик тармоқ ана шундай йўналишлардан биридир. Мактаб, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида шундай мустаҳкам алоқа бўлган тақдирдагина юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришда ишлашга ва янгича фикрлашга, давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга чинакам ҳисса қўшишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш мумкин. Шу сабабли, ҳозирги пайтда муносиб ўринбосарларни тарбиялаш асосий вазифалардан биридир. Бирлашмамиз ҳузурида ёзги мактабдан ташқари, бутун ўқув йили давомида ишлайдиган ёшлар аэрокосмик маркази очилган. Унинг тингловчилари самолёт ва ракеталар моделларини ясашни ўрганадилар, компьютерда лойиҳалар тузиш билан шуғулланадилар. Машғулотларда муваффақиятли қатнашган мактаб ўқувчилари олий ўқув юртларига, хусусан, Тошкент давлат авиация институтига кириш учун йўлланма оладилар.

(ЎзА).

«Маърифат» хабарлари

ХОРИЖДАГИ ҒАЛАБА

Беларус телевидениесининг «Спортландия» («Қувноқ стартлар») ўйинини ўтказаётганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан бўлаётган мусобақаларга мамлакатимиздан ҳам командалар таклиф этилган эди. Улар орасида Дўстлик туманидаги 8-ўрта мактабнинг «Орзу» командаси ҳам иштирок этиб, Минск шаҳрининг 34-ўрта мактаби командаси билан беллашди. Оқибат, мезбонлар доғда қолдилар. Учрашув 16:15 ҳисобида «Орзу» фойдасига ҳал бўлди.

Орзуинг ушалаверсин, «Орзу»!

УЛУҒ БОБОМИЗНИ ХОТИРЛАБ

Челак тумани Имом ал Бухорий масжидида вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятларидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан, диний бирлашмалардан вакиллар иштирок этган катта анжуман бўлиб ўтди. Унда буюк мутафаккирнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги маърузалар тингланди. Шунингдек, вилоят ҳокимиятининг қарорига биноан «Имом ал Бухорий» хайрия жамғармаси тузилганлиги қатнашчиларга маълум қилинди.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Ғузордаги Улаш Омонов номидаги мактаб жамоаси болаларни сутқатиқ билан ҳарна таъминлаш ва кўпайтириш ниятида 2 (икки) бош сигир сотиб олди. Кўпники тез кўпаяди, дейишади. Мактабнинг рўзғорига ҳам барака берсин.

ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

Касби туманидаги Б. Примов номли мактаб жамоаси ҳам эзгу мақсадлар билан бир иш бошладилар. Мактабда «Нишона» деб номланган кичик корхона фаолият бошлади. Насиб қилса, ўқувчи ва ўқитувчилардан таркиб топган корхона гиламчилик, деҳқончилик ва дурадгорлик билан шуғулланмоқчи.

«КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...»

Бувайда туманидаги 3-боғчада «Алифбе» байрами бўлиб ўтди. Болалар бунда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳарф таниб, савод чиқарганларини намойиш қилдилар. Арифметик амалларни бажардилар. Шунингдек, улар шеър ёдладилар, қўшиқ айтиб, рақсга ҳам тушишди — ўз иқтидорлари билан тўпланган катта ёшлиларни ҳам қойил қолдиришди.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Чироқчи туманидаги Иброҳим Қиличев номидаги 100-ўрта мактабда Чиял ширкат-жамоа хўжалиги ишчи-хизматчиларининг 400 нафардан ошиқ фарзандлари таълим ва тарбия олишади. Уларга 30 дан ошиқ ўқитувчилар фан сирларидан сабоқ бериб келишмоқда.

Ушбу илм даргоҳида мактабни янги ўқув йилига тайёрлашга уюшқоқлик билан киришилган эди. Мавжуд 12 синф хонаси, кутубхона ва мактаб ошхонаси сифатли таъмирдан чиқариб қўйилди. Хўжалик маъмурияти оталиқ ёрдами кўрсатиб, зарур жиҳозларни ўз вақтида етказиб беришда ёрдам кўрсатди. Янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари тумандаги Тойлоқ Рўзиев ва Бобур номидаги ўрта мактабларда ҳам тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.
Чироқчи тумани.

Халқ таълими ва бозор иқтисодиёти

БАҲОРИСТОНДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Баҳористон Қашқа воҳасининг чўл ҳудудида жойлашган туманлардан бири. Мустақиллик шарофати билан туманда ҳамма жабҳаларда, жумладан, халқ таълими соҳасида ижобий ишлар амалга оширилаётир. Биз туманнинг 25-«Қуҳна Фазли» жамоа хўжалигида жойлашган Юсуф Ҳасанов номидаги 4-ўрта мактабда бўлганимизда ҳам амалга оширилаётган қатор ибратли тадбирларнинг гувоҳи бўлдик.

ИЗЛАНУВЧАН, АҲИЛ ЖАМОА

Доно халқимизда «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган ибратли нақл бор. Дарҳақиқат, бирликда ҳикмат кўп. Қайси жамоа ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлса, ўша жойда файз-барака қарор топади. Ю. Ҳасанов номидаги мактаб жамоаси ҳам изланувчан ва аҳил жамоа. Мактабдаги 38 нафар муаллим 458 нафар ёш авлодга илм-маърифат ўргатаётир. Замонавий талаблар асосида қурилган мактаб биносида керакли барча имкониятлар яратилган. Ўқув машғулотлари қатъий режалар асосида «Ягона кабинет усули»да олиб борилади.

Ўқитувчи ва ўқувчилар қўл кучи билан мавжуд барча заллар, ҳамма фан кабинетлари нафис дид асосида безатилган. Мактабда спорт зали, мажлислар зали, ошхона, кутубхона, ўқув устахонаси, қизлар учун махсус хона — ҳамма-ҳаммаси шу кунимизга мос жиҳозланган. Илм масканининг туман ва вилоятда ўз ўрни бор. Ўқувчи ва ўқитувчилар бир неча йиллардан буён қатор танловларда туман, вилоят, республика миқёсида қатнашиб келаётир.

ЭЛ-ЮРТИМ ДЕБ ИШЛАЁТГАН МУАЛЛИМЛАР

Мактабда ўз касбини дилдан севадиган, элим, юртим деб ёниб яшаётган фидойи муаллимлар жуда кўп. Дилором Дониёрова, Руқия Ҳайитова, Азизахон Азизова, Ўктам Юсупов, Сулаймон Ҳайитов, Холчучук Арзиева, Фахриддин Ибрагимов, Маҳмуд Фармонов, Нурилла Исматов каби кўплаб жонкуяр муаллимларнинг сидқу-дилдан қилаётган меҳнати туфайли мактаб шуҳрати туманга ёйилмоқда.

Мактабдаги таълим фидойилари ҳақида сўз борганда бошланғич таълим ўқитувчиси Шуҳрат Жумаевга алоҳида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Бу фидойи устознинг на фақат мактаб ва туманда, балки вилоятда ўз ўрни бор. Ўқитувчи Ш. Жумаевнинг илғор иш тажрибаси туманда кенг оммалаштирилган. У бир неча йилдирки, ўзи ўқитаётган синфларда юқори ўзлаштиришга эришиб келаётир. Ўтган ўқув йилида ўқитувчи Ш. Жумаев ўқитаёган иккинчи синф ўқувчиларининг билим савияси ва малакалари туман халқ таълими бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари томонидан чуқур ўрганилиб, мавжуд 23 нафар ўқувчининг ҳаммаси иккинчи синфдан учинчи синфга кўчирилди.

— Ўқитувчи Ш. Жумаев тинимсиз изланишда, — дейди илмий бўлим мудири Байрамали Хоналиев. — У, асосан, ўзининг ижодкорлиги асосида иш олиб боради. Ш. Жумаев ҳар қандай илғор тажрибани ҳам тўғридан-тўғри ўзлаштирмайди, ўша илғор тажрибани ўз синфига мослаб ишлаб чиқади.

БАРЧА ИШЛАР ШАРТНОМА АСОСИДА

Бозор иқтисодиёти даврига ўтилиши муносабати билан ҳозирги кунда ҳамма жойда ҳам иқтисодий тақчиллик сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мактаб директори Азамат Ҳамроев ана шу қийинчиликлар даврини мактаб шароитида сездирмасдан ўтиб кетиш учун ўзига хос тадбирлар ўйлаб топа олган, десак муболаға бўлмайди. Қайси ташкилот ёки хўжалик мактабдан, ўқувчи ва ўқитувчилар кучидан ёрдам сўраса, аниқ пул миқдори кўрсатилган ҳолда ўзаро шартнома тузилиб, шундан сўнг иш бошланади. Мактаб ҳисоб рақамига туширилган пул ҳисобидан мактаб маъмурияти синфхоналарни таъмирлаяпти, аълочи ўқувчиларга стипендия ташкил этаяпти, ташаббускор ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантираяпти, кам даромадли оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатаяпти. Айни кунда ҳам мактаб ҳисоб рақамида 15 минг сўм пул бор. Яқинда мактаб директори А. Ҳамроев «Қуҳна Фазли» жамоа хўжалиги билан ўзаро шартнома тузди. Ушбу шартномага асосан мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари хўжалик далаларида пахтакорлар ишларида, мавсумий пиллакорлар ишларида кўмаклашадилар. Буларнинг эвазига хўжалик мактаб ҳисоб рақамига 25 минг сўм ўтказиб беради.

«Қуҳна Фазли» жамоа хўжалиги билан тузилган шартнома асосида мактаб жамоаси кузда 10 гектар суғориладиган ерга буғдой экканди. Ҳозир ҳосил пишиб етилди.

— Биз камида 400 центнер ҳосил кутаяпмиз, — дейди мактаб директори Азамат Ҳамроев. — Шартномага кўра бизга 200 центнер буғдой соф фойда бўлади.

Мактаб ҳовлисида уюлиб ётган темир-терсак диққатимизни ўзига тортади. Мактаб директори ўринбосари Мусоқул Жуманов буни шундай изоҳлади:

— Ушбу темир-терсакни ўқувчиларимиз тўплаган, нақ 20 тонна. Биз буни шартнома асосида нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли асосида сотамиз. Ҳозир ҳар бир килоси учун бир ярим сўмдан харидор бор.

Ҳозир мактаб директори А. Ҳамроев мактабда бичиш-тикиш цехини очиш ҳаракатида юрибди.

Биз мактаб маъмурияти олиб бораётган ибратли ишлардан хурсанд бўлдик. Умуман олганда, жамоанинг келгуси режалари кўп, мақсадлари улкан.

Абдували ОБИДДИНОВ,
ўз мухбиримиз.



«Ҳунарли хор бўлмас» дейишади. Дўстлик туманидаги М. Дадажонов номидаги 4-ўрта мактаб жамоаси ҳам ёшларни ҳунарли қилиб тарбиялашга катта эътибор бераётир. Суратда: меҳнат таълими ўқитувчиси Замон Қурбонов шогирдларига чилангарлик сирларини ўргатмоқда.

Б. НОРҚУЛОВ олган сурат.

Ўқитувчиларнинг август кенгашларига

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ОНА ТИЛИ

1995 — 96 ўқув йилида ҳам ўзбек мактабларининг 5 — 11-синфларида она тили ўқув фани шу вақттача қўлланиб келинган амалдаги дастур асосида ўқитилади. 5-синфда М. Асқарова ва К. Қосимованинг «Она тили», 6 — 7-синфларда А. Ғуломов, Й. Абдуллаев, З. Маъруфов ва М. Омилхонованинг «Она тили» (1993, 1994 йиллардаги нашри), 8 — 9-синфларда М. Асқарова, Й. Абдуллаев, М. Омилхонованинг «Она тили» (1994, 1995 йилги нашрлари) дарсликлари қўлланилади.

Муаллифлар мазкур дарсликларни қайта нашрга тайёрлашда мустақил Ўзбекистон ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни, шунингдек, тилшунослик ва таълим методикасидаги сўнгги ютуқларни ҳисобга олганлар. Фақат бугина эмас, айрим атамаларни ислоҳ қилганлар. Чунончи: шу вақтгача 9-синфда қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар ва боғловчисиз қўшма гаплар, деб 3 турга бўлиб ўқитиб келинган эди. 8 — 9-синфлар «Она тили» дарслигининг 1994 йилги нашридан бошлаб (бу дарслик 1995 йилда ҳам «Ўқитувчи» нашриётида нашр қилинди) қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар ва эргашган қўшма гаплар, деб 2 турга бўлиб берилди. Бу гап турларининг ҳар бирини ўтишда уларнинг таркибидаги содда гаплар бир-бири билан боғловчилар (ёрдамчилар билан), шунингдек, мазкур воситаларсиз бирикишлари мумкин эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

8-синфда «Ҳол»нинг турлари тўғрисида гап кетганда таълимда тушунарли бўлишини назарда тутиб (равиш ҳоли атамаси вазият ҳоли атамаси билан берилди, «ҳолат равиши» ўз ўрнида қолди), гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлаклари атамаси ажратилган изоҳ бўлакли гаплар билан алмаштирилди ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўрта мактабларнинг юқори синфларида, яъни 10 ва11-синфда она тилини ўқув фани сифатида ўргатилиши қатъийлаштирилди. Бу синфлар учун махсус она тили дастури тузилиб, нашр қилинди ва дастур материалларининг тахминий тақсимоти матбуотда берилган эди.

Бу синфлар учун мазкур дастур асосида Ғани Абдурахмонов ва Ҳасанхон Рустамов томонидан ёзилган «Она тили» дарслиги «Ўқитувчи» нашриётида 1995 йилда нашр қилинди.

Янги ўқув йилида она тили ва адабиёт ўқитувчилари 10 — 11-синфларда она тили фанини мазкур дарслик асосида ўқитиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўқитувчиларнинг ўқув йили давомида янги дарслик асосида ишлаш жараёнида дарсликдаги ҳар бир мавзуни ўтиш вақтида шу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб беришлари ва уни республика Таълим илмий методика маркази, «Ўқитувчи» нашриёти ёки муаллифларга юборишлари тавсия этилади. Бу нарса дарслик сифатининг келгусида яна ҳам яхшиланишига ёрдам беради.

Янги ўқув йили олдидан «Узбек мактаблари 5 — 9-синфлари она тили дастури материалларининг ўқув соатларига тахминий тақсимоти» (Мавзулар режаси) ҳам нашр қилинди (Тузувчилар: Й. Абдуллаев, Ш. Йўлдошева, муҳаррир М. Абдураимова, Тошкент, 1995). Бу қўлланмани ҳозирлашда таълимга ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан ёндашилган, чунончи: 5-синфдан бошлаб она тили дарсларининг янги бир тури сифатида тест саволлари асосида текширув дарслари утказиб туришга ҳам эътибор берилган. Она тилидан утказиладиган барча дарс турлари урин олган.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ.

Супянбек ШЕРИПОВ:

«ЭНГ ДАҲШАТЛИ ВОҚЕА ҲАЛИ СОДИР БЎЛГАНИ ЙЎҚ...»

ЧЕЧЕНЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ УЧУН, АВВАЛО, УЛАРНИ АНГЛАШ КЕРАК

«Шарқ — нозик масала...» сиёсатчиларимизга ҳақиқий Шарқ тўғрисида мана шу сийқаси чиққан ибордан бошқа нарса таниш эмасга ўхшайди. Акс ҳолда, Чеченистонда, Кавказда, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган, ҳозир ҳам бўлаётган ва чамаси ҳали узоқ давом этадиган воқеаларни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, гап ўз қонуни, ўз ақидаси, ҳаёт ва инсонга ўз муносабати бўлган алоҳида олам тўғрисида бормоқда. У ерда ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган одамлар кўпчиликка нуфузли бўлади ва уларнинг гаши кўпчиликка ўтади. Бу олам билан тинч яшаш учун, бу одамлар бизга нақадар қутилмаган ва ғайриоддий туюлмасин, уларни тушуниш ва гапларини тинглай олиш лозим...

Афғонлар уни Зулия, ҳиндлар эса Гуру дейишади. У билан учрашиш учун энг юксак лавозимларда турган кишилар: хорижий давлатлар элчиларидан тортиб КПСС Марказий қўмитаси котибларигача Грознийга келишган. Банкир ва тадбиркорлар у билан маслаҳатлашиш учун атайлаб келиб туришган.

У ҳалокатдан сақлаб қолган кишиларнинг ҳаммасининг номини санаб ўтиш қийин. У доимий ҳомийлик қиладиган кишилар юзлаб саналади. Ўнлаб оилаларда у болаларга ота ўрнини босган.

У таниқли сиёсий арбобларнинг тақдирига ҳам таъсир қилган. Вячеслав Молотов умрининг сўнгги йилларида учрашмоқчи бўлган ягона инсон ҳам мана шу киши бўлган.

Бу инсоннинг исми Супянбек Шерипов.

У ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмаган, юксак лавозимларни эгалламаган. Узоқ йиллар давомида у ўзини четга олиб юрган. Аммо ҳозир, Чеченистон Россиянинг қонталаш жароҳатига айланган пайтда унинг гапини эшитса арзийди.

Бу — кўпчиликнинг назарида, бошқалардан яширин воқеаларни кўра оладиган Супянбек Шерипов билан биринчи суҳбатдир.

— Совет Иттифоқи парчаланиб кетаётганини сиз қачон англагансиз?

— Бу жараённи икки воқеа, айниқса, тезлаштириб юборди. Улардан бири — Борис Ельциннинг «қизиллар армияси»га, яъни КПССдан сайланган СССР Олий Кенгаши депутатлари қаторига киритилмагани, иккинчиси — Гдлян билан Ивановнинг матбуот ва телевидение орқали чиқишлари бўлди. Улар афкор оммага жуда кучли таъсир утказган эди.

— Билишимча, Гдлян билан Иванов матбуот орқали ўз фикрини айтишдан олдин маслаҳат сураб сизга мурожаат қилишган...

— Гдлян билан Иванов ҳузуримга келган тун ёдимда. Ўшанда ошкора ва узоқ суҳбат бўлганди. Суҳбат охирида улар Ўзбекистондаги олий партиявий шахсларнинг гаплари ёзилган видеокассетани кўришни таклиф қилишди. Мен уларга: «Мен ишора қилмагунимча кассетани ҳеч кимга кўрсатманглар», дедим. Узим эса, Москвага ўчиб кетдим.

— Гдлян ва Иванов билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирди?

— Улар мен билан рўй-рост гаплашишди. Уларнинг хизматлари шундаки, «ўзбеклар ищи»ни текширишнинг турли вариантларидан ўзлари учун энг қийин йўлни — Марказий Қўмитада ўтирган порахўрларнинг номини айтишни танлаб олишди. Ҳуқуқшунос мутахассис нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу — энг тўғри йўл, лекин сиёсий жиҳатдан...Бу йўл нималарга олиб боради?

Москвада шуни ўйладим. Гдлян билан Иванов эса, бу пайтда «Огонёк» журналида «Қарама-қарши туриш» деган машҳур мақолани эълон қилган эди.

— Уларни Марказий Қўмитанинг бирор котиби билан учраштира олармидингиз?

— Учраштира олардим. Лекин бундай учрашувдан биронбир иш чиқмасди. Ҳамма нарса Горбачевга боғлиқ эди. Горбачёв билан учрашишга фақат КПСС Чечен-ингуш вилоят собиқ биринчи котиби А. В. Власовгина ёрдам бера оларди. Власов ўша вақтда РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси эди. Мен унга мурожаат қила олмасдим. Чунки, орамиз бузилиб қолган эди. Аммо, мен ва мен билан бирга бўлган кишиларнинг вазифаларидан бири — Власовни СССРдаги иккинчи шахсга айлантириш эди. Ана ўшанда Горбачев ўз лавозимида тагин ҳам мустаҳкам ўрнашган бўларди.

— Супянбек, айтинг-чи, сиз Рашидов, Медунов ва Власовни нима учун бир-бирига яқинлаштиришни хоҳлаган эдингиз?

— Бу ишларнинг ҳаммаси Власов учун, унинг сиёсий лавозимга кўтарилишига ёрдам бериш учун қилинган эди. Бундан 15 йил муқаддам, вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари ўз хотинлари олдида партияга қарши бир оғиз сўз айтишдан қўрққан бир пайтда Власов ҳаммага эшиттириб: «Агар мен ҳеч нарсага эриша олмасам, ҳаётимизда бирор нарсани ўзгартира олмасам, мансабимни ташлаб, дўконда газета сотганим яхшироқ», деган эди.

— Вилоят биринчи котиблари хусусида Грознийнинг омади бор экан-да?

— Йўқ. Шунчаки, Власов бошқача одам эди. Афсуски, ҳозир у раҳбарлар орасида эмас. Акс ҳолда, у чеченларни, албатта, ҳимоя қилган бўларди, бир вақтлар у Марказий қўмита котибиятида чеченларни дадил ҳимоя қилган. Власов бўлганида эди, рус оналари Грознийдаги вайроналар орасидан фарзандларини қидирмаган бўларди. Власов даврида қурилган чечен мачитларида «Чеченистон Россиянинг маккорлиги ва Кремлнинг пасткашлигини минглаб йиллар давомида унутмайди!», деган сўзлар янграмаган бўларди.

— Сизнингча, Россияни нима кутмоқда?

— Россияда ҳақиқат йўқолган давр давом этмоқда. Келгусида халқаро майдонда ҳеч нарса Россияга боғлиқ бўлмайди. Сўнгги йилларда кўп нарса бой бериб қўйилди. Ҳеч бўлмаганда БМТни олиб қўрайлик. БМТ модели Ғарб билан Шарқ бир-бирига қарама-қарши бўлган даврда яратилган эди. Россия БМТнинг тутган ўрни ва мақомини ўзгартириши шарт эди. Сўнгги йилларда БМТ АҚШнинг БМТ ўрнини босиш имкониятларини истисно этадиган тарзда ўзгартирилиши лозим эди. Жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик овозида эндиликда Россиянинг ёлғиз овози кучлироқ эшитилишига эришмоқ керак. Шундай қилинса, Россия давлатининг чегаралари ишончлироқ ҳимоя қилинади. Ҳозирча эса, Ғарб Россия билан картада преферанс ўйнаётган бўлса, Россия ғарб билан «аҳмоқ» ўйинини ўйнамоқда... Россия учун барча россияликларни бирлаштирадиган йўлни ўйлаб топиш қийин. Унга чинакам етакчи керак.

— Шундай етакчи борми?

— Ҳа, бор.

— Унинг номини айта оласизми?

— Йўқ. Ҳали вақт эрта. Аввало, Горбачев даври ниҳоясига етиши керак... дарвоқе, бу ҳодисанинг тезда содир бўлишига ишончим комил! Депутат сиёсий дахлсизлик мақомига эга бўлиши лозим. У ҳеч қандай блок ва фракцияларга қўшилмаслиги керак. Диндорлар билан худо ўртасида воситачи бўлмаганидек, депутатлар билан сайловчилар ўртасида ҳам воситачилар бўлмаслиги зарур. Бу — Россия учун жуда муҳим масала.

— Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?

— Бор. У — Узбекистон Президенти Ислом Каримов!

— СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Узбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта хатога ҳам йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Узбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради.

— Бунга Каримовнинг қандай фазилатлари туфайли эришилди?

— Узбеклар — руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар. Уз шаъни учун инсон жонини қурбон қиладиган қийин пайтларда уларга тенг келадигани йўқ. Гдлян билан Иванов қамоққа олишга келганда хонадон эгаси хотиржам кийиниб, ўзини ўзи ўлдириш учун кечирим сураб бошқа хонага чиқиб кетганида улар ҳайратда қолишган. Ҳатто чеченлар ҳам ўзбекларнинг ажалнинг кўзига мардлик ва совуққонлик билан қарай олишига ҳавас қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай халқни ўз муаммоларини митингда ҳал қиладиган оғир шароитга фақат иғвогарлар ёки ўзбекларнинг дўппи кийиб юришинигина биладиган кишиларгина шундай шароитга солиб қўйиши мумкин. Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маърифатга қарама-қарши туриши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ўта сезгирлик билан аниқлади, уларнинг тўқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир.

— Сиз Каримовга у билмайдиган нарсани айта оласизнинг ҳаммасига эркинлик ва истиқлол йўли турлича тушунчалар, Чеченистон эркинлик йўлини танлаб олиши керак, дер эдингиз.

— Бу гаплар вулқон отилгунига қадар айтилган эди.

— Ҳозир нима дейсиз?

— Мен ҳозир ҳам бизнинг тарихий йўлимиз — эркинликка борадиган йўл, деб ҳисоблайман. Бироқ, Россия танклари бизни бошқа йўлга — истиқлол йўлига тортиб юборди. Бунинг маъноси шуки, Россия қўшинлари Чеченистонда турар экан, бу ерда тинчлик бўлмайди, чамаси, узоқ йиллар давомида тинчлик бўлмайди.

— Нима учун?

— Чунки, бу урушни бошлаган кишилар ва ҳозир уни тугаллашга уринаётганлар бизнинг кимлигимизни билишни хоҳлашмайди. Москванинг иродаси билан биз Қозоғистонга кўчирилдик. Ушанда мен тўрт яшар эдим. Ота-онам билан Чимкунда (Чеченистонда шунақаси ҳам бўлади) тоғ қишлоқларидан бирида одатдагидек жуда кўп одам тўпланди. Майдон марказида ранги ўчган, соч-соқоли ўсиб кетган (урф-одатга кўра, у одамлар орасида пайдо бўлишга ҳақли эмас) қотил, унинг қаршисида ўлдирилган кишининг балоғатга етган ўғли турар эди.

Бундай ҳолларда бўлгани каби, кўпчилик ўлдирилган кишининг ўғлига мурожаат қилиб: «Мана бу — отангнинг қотили. Сен энди балоғатга етдинг ва қасос олишинг мумкин. Лекин, орамизда тинчлик бўлиши учун, яна бир оиладаги болалар етим қолмаслиги учун уни кечир, ҳозир сен уни ўлдирсанг, сенга ҳеч ким таъна қилмаса ҳам, кечир», деди.

Охирида йигитнинг ўзи гапирди. У қотилга қараб бундай деди: «Сен мени отамдан жудо қилдинг. Мен сенинг болаларингга ҳавас қилиб ўсдим. Бугун бу ерга тўпланган одамлар мени тарбиялашди. Мен отамдан қандай қарздор бўлсам, шу кишилардан ҳам шундай қарздорман. Шунинг учун уларнинг илтимосини бажармай туролмайман. Мен сени кечирдим. Бундан буён сенга худди ўз отамдек муносабатда бўламан, деб сўз бераман.

Чечен ярашиш вақтида берган сўзини бузган ҳол бўлган эмас. Биз билан муомала қилса бўлади. Чеченлар ишончли халқ. Лекин, халқни қиришни давом эттираётган ва айни пайтда бизни ўзимизни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган қонунни ўйлаб чиқарган кишиларга бу қоидани жорий қилиб бўлмайди.

— Қотиллик қилган одамлар сизга мурожаат қилишини биламан...

— Улар — одий қотиллар эмас, рашк туфайли хун талаб қилиб, одам ўлдирган кишилардир. Яқинда ҳузуримга рашк қилиб хотинини ўлдирмоқчи бўлган киши келди. Онаси қўйнида ётган қизалоғи халақит бериб, онасини сақлаб қолган экан. У ниятидан қайтиши учун мен юрагига етиб борадиган тўғри сўзларни топишга ҳаракат қилдим.

Бошқа бир воқеа. Ҳузуримга кент вилоятидаги Лангар қишлоғига тушганмиз. Бир воқеа ёдимда қолган.

Бир чечен ўз оиласини очликдан қутқариш учун ўн дона бошоқ ёки товуқми — нима ўғрилагани ёдимда йўқ — уни ушлаб олиб, отга боғлашди ва отни чоптириб кетишди.

Чеченнинг қотилига ҳеч ким теккани йўқ. Ҳолбуки, ундан қасос олиш қийин эмас эди. Ҳалок бўлган чеченнинг ўғли камолга етишини кутишарди. Йигит 16 ёшга тўлган куни унинг қўлига қурол тутқазиб: «Ана у — отангнинг қотили. Уз бурчингни бажар. Биз ҳам қасос олишимиз мумкин эди, лекин меросни сенинг ўзингга асраб қўйдик», дейишди. У ўз бурчини бажарди. Ҳеч ким — на тўққон онаси, на Оллоҳ Таоло чеченни қасос олиш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди. Биздан бу ҳуқуқдан воз кечишни талаб қилишнинг фойдаси йўқ.

— Ундай бўлса, ҳозир Чеченистонда юз берган аҳвол ўнглаб бўлмайдиган аҳвол экан-да?

— Йўқ, ундай эмас. Сиз буни тушуниб олишингиз учун яна бир воқеани гапириб бераман. Бу воқеа чеченлар олтмишинчи йилларнинг бошларида ватанига қайтиб келганидан сўнг юз берган. Хунталаблар ярашадиган катта ёшдаги киши келиб, юрагини ёрди. У ўзини хафа қилган одамдан қасд олмоқчи экан. Қарасам, шашти баланд. Бундай одамларни шаштидан қайтариш жуда қийин... Бутун тун суҳбат билан ўтди. Тонгга яқин, тун кун билан алмашиши билан инсон руҳий ҳолати ҳам ўзгарадиган пайтда мен унга бир гапни айтдим. Суҳбатимиз чоғида миямга келган ягона бир фикрни айтдим. У фикримга қўшилиб, қасос олиш мудлатини кечиктирди... Кейин хунрезликка йўл қўймаслиги учун етарли вақтга эга бўлдим.

— Бу осон иш бўлмаса керак?

— Албатта, осон эмас. Лекин ҳаётдан ихтиёрий равишда кўз юмишга аҳд қилган кишилар билан видолашиш мен учун жуда оғир. Одатда ундай одамлар жуда ақлли ва олижаноб кишилар бўлади.

— Менга сизни бошқалар назаридан яширин нарсаларни ҳам кўра олади, деб таърифлашган эди. Айтинг-чи, динга ишонишга ҳаракат қилаётган одамларга нима дея оласиз?

— Эҳромдан чиққан одамгина эҳромнинг йўлини топа олади. Агар менинг оилам яшаётган уй мен учун эҳром бўлмаса, на черков, на масжид мен учун эҳром бўла олади.

— Агар сизга дунёни ўзгартириш имконияти берилса, ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?

— Одамларнинг орқасидан ёмонлашни, уларни табиат томонидан берилган ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишни тақиқлаган бўлардим.

— Келажакни қандай барпо қилиш мумкин?

— Келажакни барпо этиш инсоннинг ихтиёрида эмас. Келажак ўтмишга таалуқли, ўтмиш эса — инсонники. Инсон ҳозирги даврга, ҳозирги давр эса, коинотга қарашли. Коинот — чексиз. Чексизлик вақтга қарашлидир. Вақт эса, ҳеч кимга бўйсунмайди.

Кимки бу сўзларнинг мағзини чақа олса, у ўз вазифасини англай олади... Мен эса, бурчимни охиригача бажариш учун тоққа қайтаман.

Андрей МИХАЙЛОВ,
Кизляр шаҳри.

(«Век» газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонидан)

XXI аср мактаби

ҲАЁТ — АМАЛИЙ СИНОВЛАР МАЙДОНИ

Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Собир Раҳимов номидаги 8-ўрта мактаб «Йил мактаби-94» курсатганлари орасида Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари орасида биринчи ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланган эди. Шундан буён мактаб ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинаётган туман, вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида, шунингдек, спорт мусобақалари, қургазмали қуроллар курик-танловлари, светофор ўйинларида ҳам пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Ўтган ўқув йилида тарих фани бўйича «Йил ўқитувчиси» бўлиш бахти ҳам шу мактаб ўқитувчиси Жумабой Давлатмуродовга насиб этди.

Илм маскани замонавий усулда қурилган. 18 та фан кабинети, 3 та ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси, 120 ўринли ошхона, спорт зали ва барча спорт иншоотларига эга. Мактабнинг доимо саранжом-саришта ва озодалигидан киши кунгли яйрайди. Қишда мўътадил иссиқ, ёзда салқин ва баҳаво синфхоналарида дарс бериб чарчамайсиз. Мактаб тартиб-интизомининг кучлилиги, фан хоналарининг замонавий техник воситалар ва қургазмали қуролларга бойлиги, ўқитувчиларнинг ҳар бир дарсларга пухта тайёргарлик билан келишлари, жамоанинг ҳар қандай текширувларига ҳам доим тайёрлиги билан диққатга сазовор. Бу, албатта, директорнинг маориф ишига қаттиқ берилганлиги, талабчан ва қаттиққўллиги, тўғрисўзлиги, шу қаторда самимий, маслаҳаттўй, меҳрибонлиги билан боғлиқдир. Яқинда 24 йилдан буён директор бўлиб ишлаб, мактаб ва жамоасини вилоятдаги энг кўзга кўринган илм масканларидан бирига айлантира олган раҳбар, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Исмоил РУЗМЕТОВ билан суҳбатлашдим.

— Устоз, 1200 га яқин ўқувчиси, 102 нафар ўқитувчига эга бўлган катта жамоа раҳбари бўлиб ишлаётган кишининг ҳаёти, тажрибалари ва қарашлари кўпчиликни қизиқтиради. Шу боис бизга устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз ҳамда ҳозир маориф ҳаётида кечаётган жараёнларга муносабатингизни билдирсангиз.

— Республика халқ таълими вазири Жура Йўлдошев «Иш билганга эл эргашади» («Маърифат», 1995 йил 7 июнь) мақоласида мактаб олдида турган вазифалар, таълим-тарбияга масъуллик ҳақида атрофлича фикр юритиб, таянч ва ўрта умумтаълим тизимини бошқаришга батафсил тўхталган. Муаллиф бошқарув билимдонлик, омилкорлик, ижодкорлик, талабчанлик, айни пайтда меҳрибонлик ва эпчиллик билан олиб борилиши зарур, деб алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, мақоладаги фикрлар жуда чуқур ўйлаб, катта тажрибага асосланилиб айтилгандир. Шунга кўра, илм масканларида устоз-шогирдлик анъанасини тиклаш, директорларни танлаш ва тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан биридир.

Мен, кўпинча, ҳар бир ишга баҳо берганимда, биринчи устозим, таниқли математик, истеъдодли раҳбар, раҳматлик Собир Эшчоновни мамнуният билан эслайман. У киши директорлик қилган Навоий номидаги мактабда ўқув ишлари бўйича ўринбосар бўлиб ишлаб, ундан жуда кўп сабоқ олдим. Устозим ҳар тамонлама билимдон ва ишчан, ниҳоятда изланувчан, сергайрат одам эди. Ҳозир ишда нимаики яхши натижага эришган бўлсам, буларда Собир Эшчоновнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор деб ўйлайман.

Устозим суҳбатларнинг бирида алифбомиз учинчи маротаба ўзгаргани ҳамда унинг салбий жиҳатлари, бутун дунё миқёсида қўлланилаётган лотин ҳарфларининг афзалликлари ҳақида батафсил фикр юритган эди. Назаримда, республикамизни бутун дунё тан олаётган бир пайтда лотин ёзувига асосланган узбек алифбосининг аҳамияти катта.

Айни кунда таълимда тест синовларининг қўлланиши ижобий натижалар бераётир. Фикримча, тил-адабиёт, математика, журналистика соҳаларида тест билан биргаликда ёзма ишларни, албатта, сақлаб қолиш керак. Негаки, тестда аниқланган билим талабанинг ёзма ва оғзаки нутқи, ижодкорлигини аниқлаб бера олмайди.

— Кейинги йилларда матбуотда дунё миқёсида китобхонликка эътибор камайиб бораётганлиги тўғрисида турли ташвишли хабарлар эълон қилинмоқда...

— Айтмоқчи бўлган саволингизни пайқадим. Биз ўз тилимизда адабиётни ҳаёт дарслиги деб атаб келардик. Шундай бўлиб келди ҳам. Лекин очиғини айтадиган бўлсак, кейинги пайтларда ҳаёт бошқа, адабиёт бошқа бўлиб қолди. Биз ишониб келган социалистик реализм методи пуч бўлиб чиқди. Бир неча беш йилликлар давомида ёлғоннинг авж олиши, болаларнинг кўз олдида юз бериб келган турли қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, порахўрлик, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг руҳиятида жиддий ўзгариш ясамади ва асорат қолдирмади, деб айта олмаймиз.

Четдан кириб келаётган турли миллий аҳлоҳимизга зид фильмлар, жойларда қўплаб ошкора-ноошкора видеосалонларнинг очилгани ҳам маълум даражада ёшлар ҳаётини издан чиқаришга олиб келди. Мусулмон олами ҳеч қачон бундай ғайриинсоний одобсизликка бефарқ қарай олмайди. Советлар даврида енгилтак аёлларга «Сенинг эринг, никоҳинг борми, йўқми, болани қаёқдан топдинг?» деган одам бўлмади. Аксинча, уша тоифа аёллар ҳам бошқа оналар қаторида нафақалар олиб, улар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб келди. Бундай ҳаёт тарзини қандай изоҳлаш мумкин?

Инсон ҳаётини издан чиқариш бир зумлик иш. Лекин уни йўлга қўйиш учун кўп йиллар, ҳатто бир умр сарф қилиниши мумкин. Буларнинг ҳаммаси чуқур мушоҳадаларсиз иш юритганимиз оқибатидир. Китобхонликни яхшилаш учун китобларнинг савиясини кўтариш, маорифнинг замон талаби меъёрларида бўлишига эришиш, ўқитувчиларнинг аҳволи ва турмуш тарзини ўқувчилар ҳавас қиладиган даражага етказиш керак. Касб ҳеч қачон ўз-ўзидан шарафли бўлиб қолмайди.

— Соғлом авлод, бозор иқтисоди, экология, иш ҳақи масалалари ҳам бўй кўрсатди. Булар бир-бирига боғлиқми?

— Соғлом авлод масаласида Президентимиз қилаётган изчил ғамхўрликлар, жумладан, оналар ва гўдакларга берилаётган нафақаларнинг ошаётганлиги, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар, нафақахўр қарияларга берилаётган турли имтиёз ва моддий таъминот ишлари бизни қувонтиради. Лекин, бозор иқтисоди, ҳозирги нарх-наво, одамлар учун осон бўлаётгани йўқ. Авлод соғлом бўлиши учун, аввало, уларнинг оналари соғлом бўлиши керак. Бунинг учун оила даромади юқори бўлиши, тўкин-сочинлик бўлиши шарт. Шу билан бирга бизнинг ҳудудда экологик вазият яхши эмас... Хуллас, буларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ бўлиб, яқин йиллар ичида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб, айни пайтда муҳим масаладир.

— Ҳозир мактаб раҳбари, Сизнингча, қандай бўлиши лозим. Унинг обрўси қандай шароитда ошиб боради?

— Раҳбар, аввало, билимдон, интизомли, қаттиққўл ва меҳрибон бўлиши керак. Тартиб бўлмаса, нафақат мактабни, балки оилани ҳам бошқариб бўлмайди. У ҳеч қачон бировни бировга ёмонламаслиги, ёмонликни согинмаслиги, бировни алдамаслиги шарт ва зарур. Фақат яхшилик қилиш билангина унинг обрўси ошиб бораверади.

— Ҳозир ва келажак тушунчасига қандай қарайсиз. Умуман, шу кундаги фикр ва ўйларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Меҳнаткаш, тинчликсевар ва олийҳиммат халқимиз бор. Ерларимиз унумдор, табиий бойликларимиз ҳам етарли. «Ватанпарвар — Ватанга хизмат қилаётган кишидир, Ватан эса бу аввалом бор халқдир», — деган экан донишмандлардан бири. Халқим деб, элим деб ёниб яшайдиган Узбекистоннинг ҳар бир фуқароси ватанпарвар бўлмоғи, тилда эмас, амалий ишда фаоллик кўрсатмоғи шарт. Истиқлолни қўлда сақлаб қолиш, мамлакатимизнинг келажаги ва дастурхонимизнинг тўкин-сочинлигини таъминлашнинг бирдан-бир шарти шудир.

Бизга бир марта берилган ҳаёт ҳам, катта-кичик мансабимиз ҳам амалий бир синовдир. Албатта, олдимизда қийинчиликлар, довонлар ҳали кўп. Бу қийинчиликларни жипслик, оқилона саъй-ҳаракатларимиз, меҳнатимиз билан енгиб ўта оламиз. Худо хоҳласа, Президентимиз айтганидай, мақсадларимизга эришамиз. Мен бунга аминман. Доно боболаримиз бошорат қилганларидай, оққан дарё оқмай қолмас, иншооллоҳ!

Канал АБДУКАРИМОВ,
Беруний педагогика билим юртининг олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ҲИСОБЧИ МУДИРА БЎЛГАНДАН КЕЙИН...

Челак шаҳар кенгашида туман халқ таълими бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлаётган Майсарага боғча мудиралиги вазифасини юклашганда ҳеч иккиланмади. Негаки, халқ таълими соҳасида ота-оналар билан ҳамкор, болалар тарбияси борасида анчагина тажрибаси бор эди.

Шундай қилиб, «Наврўз» болалар боғчасига Майсара Эргашева мудира бўлгандан кейин ташкилий-тарбиявий ишлар яхшилана бошлади. Бу ерда ўзаро ҳурмат ва интизом қарор топди, ортиқча гап сўзлар ҳам тугади. Қўшимча курилишлар бошлаб юборилди. Кичкинтойлар учун керакли бўлган ўйинчоқлар ясашдан тортиб тарбия самарадорлигига эришишгача барида ижобий ўзгариш бўлди, боғча тажрибали мутахассислар билан тўлдирилди. Кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналари мудиранинг хизматидан беҳад хурсанд. Боғчада Челак шаҳри меҳнаткашларининг 120 дан ошиқ ўғил-қизлари қисқа фурсат ичида ўқиш, ёзишни, расм солишни, қўшиқ айтишни ўрганишмоқда.

Э. МАҲМУДОВ,
ўз мухбиримиз.

Мактабгача тарбия муассасаларида

Адабнинг яхшиси — каттага ҳурмат!

ШОРАҲИМ ОТАНИНГ САФАРИ

Шунақаси ҳам бўлгандирки, одамлар нақл қилишади: «Саратонда терак бўйи қор ёғди, ҳам ёғди, ҳам эриди.» Ҳар қалай теракни бўйловчи қорни кўрмадимку-я, муҳарририятдан чиқиб «Ўқитувчилар уйи»га етиб боргунимча шарос ёмғирда қолдим. Бўлмаса айни ёз куни, эрталабдан ҳаво исиб бериб эди. Кунгилдан «бемаҳал ёмғир» деган ёзғириш, кейинидан бир акамизнинг қачондир берган танбеҳи кечди: «Осмондан тошбақа ёғсаям худонинг инояти, иним. Бу ёмғирлар неъмат-ку...»

Алқисса, пойтахтнинг сокин кўчаларидан бирида жойлашган «Ўқитувчилар уйи»нинг айвонида уст-бошимни бироз селгитиб, ичкариладим. Эшикоғасидан «Уруш ва меҳнат педагог фахрийлари билан ишлаш кенгаши» раиси Шораҳим Гадойбоевни сўрагандим, йўл кўрсатди. Шораҳим ота ўз хонасида (келишимдан бохабар) кутиб ўтирган эканлар. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашув бўлди.

Узбекнинг бир одати бор-да. Бирон жойга борса, даставвал меҳмону мезбон бир-бирига гал бермай қичов сўрашиб бошлайдилар. Сўнгра бирдан тўхташади. Иккала томон ҳам «ҳа-а» дея тин олиб, албатта гирдо-гирдга бир аланглаб, кўз югуртиб чиқади. То бирон мавзуда гап бошлангунча. Бу одат тарки бизга ҳам маҳол бўлди. Тевараккa назар солдим. «Ишхонаси ҳашаматли экан.»

Кунглимдан кечган фикрни кўзларим айтиб қўйди-да шекилли, Шораҳим ота изоҳ берди: «Меҳмонхонадай саришталаб қўйганимнинг боиси бор. Бу ерга кунгли нозик меҳмонларимиз — фахрийларни тез-тез чорлаб, улар билан чойлашиб, гурунглашиб турамиз.» Яхши одат экан. Қоларверса мезбоннинг таъбири билан айтганда, «кексаларнинг мажлиси» ҳам бир пиёла чой билан қизийди-да, ўзи. «Гурунгимиз ҳам қизиқ. Минг турли нарсалар ҳақида гапирамизу, аслида мавзуимиз ҳам, мақсадимиз ҳам битта бўлиб чиқади — фахрийларга кўрсатилаётган эътибор ва уни кучайтириш», дейди Шораҳим ота. Таъбир жоиз бўлса, гурунг ҳам... дейлик, тўп кетидан қувиб юрган боладай гап. У тўпни суриб у ёққа чопар, бу ёққа чопар, битта майдон ичида чопади. Бу ёғини сўрасангиз, биз ҳам отахон билан би-ир шу «майдон»да гурунг чоптиргани келиб турибмизку.

Шораҳим ота яқинда ёнларига муовинлари, халқ маорифи аълочиси Тулаган Рустамовни олиб Андижон ва Наманган вилоятларига ўн кун сафар қилиб келдилар. Сафардан кўзланган мақсад бу икки вилоятда умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат педагок фахрийларига яратиб берилаётган шароитларни кўриб қайтиш эди.

Айтганча, Республикада хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Шораҳим Гадойбоев иш юзасидан мамлакатимизнинг жуда кўп жойларида бўлган. Шу боис бўлса керак, кўпчилик ўни яхши танийди. Ҳамиша маориф дея жон қойитиб юрганлари учун «Маориф ота» деган, замирида ҳурмат зўҳр бўлган ном ҳам олганлар. Айни пайтда 83 ёшни қоралаган отахон ҳали ҳануз эл хизматида. У киши билан суҳбатга киришмаёқ икки нарса эътиборимни тортди. Биринчиси, отахоннинг руҳияти. Кайфияти кўтаринки эканлигидан сездимки, сафар кўнгилли бўлган. Таассуротлар олам-олам. Иккинчиси, отахоннинг хатти-ҳаракати. Кузатган бўлсангиз, инсон характери унинг энг оддий хатти-ҳаракатларига-да сочилган бўлиб, шу хатти-ҳаракатлар давомийлигида очила боради. Шораҳим ота чойдан бўшаган пиёласини эҳтиётлабгина стол чеккасига суриб, стол юзасини авайлаб артиб қўйди. Балки бу хонадаги жудаям оддий бир ҳаракатдир. Лекин шулар ҳам айтганимиздек одамнинг характерини очиб беради-да. Одатда инсон ўз меҳнати сингган нарсаларни шунақа қадрлайди.

— Сафардан димоғимиз чоғ бўлиб қайтдик, — дея гап бошлади Шораҳим ота. — Боиси биз бориб кўрган жойларда деярли барча ишлар кўнгилдагидек экан. Ҳатто ибрат олса арзигулик тадбирларни ҳам учратдик. Дастлаб Андижон вилоятида бўлиб, бу ердаги фахрий педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, бу боралаги мамлакатимиз ҳукумати қабул қилган Фармон ва қарорларнинг бажарилиши билан таништдик. Вилоятда 7193 нафар ўқитувчи нафақа олар экан. Улар орасида 397 нафар уруш фахрийлари, шунингдек, кўплаб «Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» ва «Халқ маорифи аълочиси» каби юксак унвонларга сазовор бўлганлар бор. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида 23 та педагог фахрийлар кенгаши намунали иш олиб боряпти. Бу кенгашларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли 2908 нафар фахрий ўқитувчиларга истиқомат қилаётган уйлари хусусий қилиб берилган. 1970 нафарига томорқа учун ер ажратилган. 1500 нафари транспортда бепул юриш учун гувоҳномаларга эга. Умуман, юқорида айтганимдек ибратли ишларни кўп учратдик.

Вилоятнинг Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Избоскан, Хужабод туманларидаги бир қатор дам олиш масканлари, мактаблар ва бошқа билим даргоҳларига бориб фахрийлардан ҳол-аҳвол сўрадик.

— Барчасининг аҳволлари тузукми?

— Шукр, ҳаммаси ҳам ўзларига бўлаётган эътибордан мамнун. Аслида кексаларга эътиборсизлик халқимизга ёт одат. Сафаримиз давомида ҳам бундай ҳолга дуч келмадик. Хужабодда Бобур номи билан юритиладиган фахрий ўқитувчилар боғи бор экан. Ҳар қалай «қуш тилини қуш» билади-да. Дам олиш уйи директори Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси Зуннунхўжа Каримхўжаев фахрийларнинг кўнглини топиб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун елиб юрибди. Айтиш мумкинки, барча шароитлар муҳайё этилган. Бир навбатда 120 кишига хизмат кўрсатиларкан. Дам олиш учун йўлланмалар энг арзонлаштирилган нархларда, кўп ҳолларда эса бепул тарқатилаётгани ҳам фахрийлар учун катта енгиллик.

Бўзлик фахрийларимизга ҳам яхши ғамхўрликлар қилинаяпти. Тумандаги ҳар бир мактабда фахрийлар билан ишлаш ташкилоти тузилган бўлиб, бу ташкилотлар мунтазам равишда нафақадаги ўқитувчилар ҳолидан хабар олиб турибди. Ўз навбатида ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, тажрибали фахрийлар мактаблар ва маҳаллаларнинг ҳар бир ишига бош-қош бўлишяпти. Бу тадбирларни уюштиришда Бўз тумани халқ таълими бўлимининг ёш ва изланувчан мудири Хумоюн Акбаровнинг ҳиссаси катта экан. Тумандаги 2-ўрта мактабнинг иш фаолияти ва меҳнат фахрийлари ҳаёти билан танишганимизда бунга яна бир карра амин бўлдик.

Балиқчи тумани Ўрмонбек қишлоғида жойлашган миллий ҳунармандчилик лицейида янаям хайрли иш қилишибди. Лицей жамоаси 10 нафар фахрий ўқитувчисига ўзлари етиштирган маҳсулотлардан гўшт, гуруч, буғдой тортиқ қилишибди.

Фахрийларга бўлган мана шундай иззат-эҳтиромни Наманган вилоятига қилган сафаримиз давомида ҳам кузатдик. Тўрақўрғон, Поп, Чуст туманларининг бир қанча мактабларида, интернатларида бўлиб фахрий педагогларимиздан яшаш шароитлари қандай эканлигини суриштирганимизда улар фақат миннатдорчилик билдиришди.

— Отахон, сафар давомида яна нималар эътиборингизни тортди ёки хотирангизда муҳрланиб қолди?

— Иккала вилоятда ҳам янги ташкил этилган маориф музейлари билан таништдик. Маориф тарихига оид тарихий буюмларни йиғишиб, савоб иш қилишибди. Бу бир.

Андижон вилоятида ўқитувчиларга бериладиган 7 та пуллик мукофот ташкил этилибди. Бу икки.

Яна шу вилоятда Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси Нозимжон Тожиаҳмедов фахрий ўқитувчиларга ёрдам берувчи ва уларни қўллаб-қувватловчи жамғарма тузибди. Бу уч.

Биз борган мактабларнинг деярли барчасида ҳам ишбилармон ва билимли ўқитувчилар раҳбарлик қилаяпти. «Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади», деганди халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. Бу мактабларнинг барчасида ҳам ер, баҳзиларида қорамол, ҳатто товуққача бор ва улар бундан даромад олиб, мактабга ишлатишаяпти. Бу тўрт.

Бўз туманидаги 2-мактабда ўқувчилар мактаб таъминидан сўнг ҳар бири ўз стулларига кўрпача, столларига дастурхон тикиб келишибди. Мактаб директори Азимжон Бекмирзаев айтадики: «Ҳар бир бола ўзи тайёрлаб келган дастурхон ва кўрпачани авайлайди. Ўз навбатида бу стол-стулдан узоқ йил фойдаланишни кафолатлайди.» Яна унинг бир гапи: «Биз мактабни ҳар йили таъмирлашни ўзимизга одат қилишимиз эмас, аксинча таъмирсиз тўрт-беш йил намунали сақлай олишга эришишимиз даркор.» Бу беш.

Водий томонларда маорифчилар анъанавий Август кенгашларига ва тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамига қизғин ҳозирланишаётган эканлар. Бу олти...

— Шораҳим ота, суҳбатимиз сўнгида уруш кўрган ва меҳнатда тобланган фахрий ўқитувчиларга қандай тилаклар билдирасиз?

— Барча чеккан заҳматлари эвазига энди роҳат кўрсинлар. Ҳамиша уларга нисбатан ғамхўр, эътиборли бўлайлик. Токи, бирортаси ҳам узоқ йиллар ўқитувчилик қилиб, шу соҳадан нафақага чиққани учун ўкинмасин. Юртбошимиз айтадиларки, «...агар инсон нияти пок бўлса, эътиқоди мустаҳкам бўлса, дили ва тили бир бўлса барча орзу ва ниятларига етгай.» Иншооллоҳ, шундай бўлса!

Суҳбатимиз шу ерда поёнига етди. Ҳа, дарвоқе, Шораҳим отадан «келгусида бундай сафарларни давом эттириш ниятларингиз борми-йўқми», деб ҳам сўрагандим. «Бор, — дея жавоб бердилар у киши. — Бохабар бўлдингизки, бу галги сафаримиз кўнгилли бўлди. Лекин ҳамма вилоятларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди-да. Фахрийлар билан ишлаш бутунлай назардан четда қолиб кетаётган жойлар бор. Навбатдаги сафарни худди шунақа жойларга уюштиришни мўлжаллаб турибмиз.»

Хулласи калом, отахон билан хайр маъзурни қуюқ қилиб ортга қайтдим. Шораҳим ота ўз сафари давомида кўрган-билганларини айтди, мен эса у кишидан эшитган-билганларимни ёздим. Бор гап шу.

Икром ИСКАНДАР.

ГАВҲАР ОПА – ЛАНГВАЛЬДНИНГ МЕҲМОНИ

Гавҳар Азизова мудиралик қилаётган Миробод туманидаги 506-болалар боғчасида бир неча йилдирки, немис тили гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Гуруҳ 20 нафар кичкинтойдан иборат. Германиялик тарбиячи Ирина Арнольдовна Дитрих уларга бошқош. Немис тили мутахассиси Надежда Карабельникова кўнгилли равишда Ирина опага кўмаклашаяпти.

Шунингдек, немис маркази ходимлари, ўрни келганда, боғчадан ўз ёрдамини дариғ тутмаётир. Тошкентга ташриф буюрган германияликларнинг аксарияти бу ерда бўлиб, гуруҳ иши билан яқиндан танишмоқдалар. Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карл Хайнц Куна ҳам боғчага бир неча бор ташриф буюрди.

Яқинда Германиядаги «ВДА» ташкилотининг ташаббуси билан Москвада ҳамдўстлик давлатларидаги немис тили гуруҳи мавжуд болалар боғчалари мудираларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан Гавҳар опа иштирок этди. Опани «ВДА» ташкилотининг раиси жаноб А. Лангвальднинг шахсан ўзи таклиф қилганди. Бунинг боиси ушбу жаноб Тошкентда бўлганида, боғчага кирган ва немис тили гуруҳи унда катта таассурот уйғотган эди.

Семинар-кенгаш бир ҳафта давом этди. Унда Волфорд, Монтессори, Фрёбел ва Реформ педагогикаси асосида қизиқарли суҳбатлар бўлди.

Мухбиримиз.



«Жуда қизиқ нарса экан...»

Қадршунослик

ЧОЙНИНГ ҲАМ ТАРИХИ БОР

Тарихга мурожаат қилсак, ўтган XIX асрда ҳам Бухоро хонлиги ҳудудидаги аҳоли кўк чойни севиб истеъмол қилганлигини кўрамиз. Можор олими Ҳерман Вамбери ўз хотираларида Бухоро шаҳрида Қашқардан 40 бекат узоқликдаги Комул деган жойдан келган бир хитойлик чойфуруш дўконида қирқма, ахбор, оққўйруқ, қорачой, гулбуйи, лўнка каби 16 хил чой турини кўрганлигини, лўнка энг сифатли чой эканлигини қайд этади.

Хитой чойи Янцзи дарёси бўйидаги плантациялардан дарёнинг юқори оқими бўйлаб Ёркенд, Қашғарга, у ердан эса Қўқон орқали Бухорога келтирилган, чунки Хитой молларининг Бухорога келтирилишида бу йўл энг қисқа ва қулай йўл бўлган. Бироқ 1862 йилда Шарқий Туркистон аҳолисининг Хитой мустамлакачилигига қарши бошлаган қўзғолони юқоридаги чой плантацияларининг Бухоро ва Қўқон хонликлари билан алоқасини узиб қўйган.

Ҳиндистонни истило этган инглизлар бу ҳолдан ўз вақтида фойдаланиб, ҳиндистонлик савдогарлар воситасида хитой чойини Ҳиндистон орқали Бухорога жўната бошлаганлар.

Инглиз-ҳинд чойлари Бухоро бозорларида қанчалик кўп пайдо бўлса, рус ҳукумати ва савдогарлари шунчалик кўп безовта бўлаверишган. 1872 йилда Бухорода бўлган рус генерали Н. Петровский «Энди Бухоро бозорларидан кўк чойни сиқиб чиқариш тўғрисидаги барча орзу-умидларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бу чойнинг бизнинг ҳудудимизга (Туркистон генерал-губернаторлигига — Д. Р.) кириб келишининг олдини олмоғимиз лозим» — деб ёзган эди.

Туркистон генерал-губернатори Кауфманга рус савдогари Н. Иванов етказган ҳисоботда ёзилишича, фақат Бухоронинг ўзига ҳиндистонликлар ҳар йили 84 минг пуддан ошиқ (600 туяда) чой келтиришган. Бу чой учун пойтахтдаги «саройи Абдурашид», «саройи Мирзагул», «саройи Бадриддин» карвонсаройлари бош омборхона вазифасини ўтаган.

Бухоро ва Хива хонликлари ҳамда истило этилган Туркистон ҳудудидан ҳиндистонликлар келтираётган молларни, хусусан, кўк чойни сиқиб чиқариш, чой савдосини рус савдогарлари қўлига олиб бериш мақсадида рус ҳукуматининг Туркистондаги бошлиги Колпаковский 1881 йилда «Инглиз-ҳинд чойидан бож олиш ва Урта Осиё хонликлари чегараларидан мол киритилишини назорат қилиш тўғрисида»ги қоидаларни имзолади. Натижада, Бухорода пуди 38—40 сўм сотилган ҳинд чойини Туркистон ҳудудига киритиш чоғида унинг ҳар бир пуди учун бухоролик ва пешоварлик савдогарлар 14 сўм 40 тийиндан бож тўлашга мажбур этилдилар. Шунга қарамай, XIX асрнинг 90-йиллари бошларида ҳам ҳинд чойи Бухоро бозорлари орқали бутун Марказий Осиёга тарқалиб, руслар Кяхта орқали Хитойдан келтираётган чойга нисбатан арзон таннархи туфайли рақобатда устунлик қилмоқда эди.

Ҳиндистоннинг Дера ва Балямпур вилоятларида етиштирилиб, Бухорога келтириладиган кўк чой миқдори эса 25—30 минг пуддан ошмас, «наузур» ва «патта» деб аталадиган паст сифатли бу чойлар камбағал аҳолининг эрталабки овқати — ширчойга ишлатилар эди.

Бухоро хонлиги 1895 йилда мустақил бож сиёсати юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, Русия божхонаси доираси таркибига киритилгач, Ҳиндистондан келтирилаётган чой ҳажми рус божхоначилари Бухоро Афғонистон чегарасида олаётган юқори бож туфайли 30 фоизга қисқариб кетди.

Рус ҳукуматининг чой турларига белгилаган 1895 йилги божлари ҳам, 1899 йилги божи ҳам нафақат бухоролик ва ҳиндистонлик савдогарларнинг, балки мамлакат аҳолисининг ҳам манфаатларига катта зарар етказади, чунки хонлик рус божхонаси доираси таркибига киритилгунгача келтирилган чет эл чойидан фақат 2,5 фоизлик закот олинар, натижада бозордаги энг юқори чой нархи шароитида ҳам хонлик божхонасининг оладиган бож миқдори ҳар бир пул чой ҳисобига 1 сўмдан ошмас эди.

Петербургнинг бу тадбиридан норози бўлган амир Абдулаҳадхон 1900 йилнинг 22 февраль куни Карманадаги қароргоҳида рус сиёсий агенти В. Игнатьевни қабул қилиб, хонликда Русиянинг бож назорати ўрнатилаётганида камбағал аҳоли истеъмол этувчи қуйи навли чойлар учун бож миқдорини 1895 йилгача бўлган даражада (яъни, 2,5 фоизли закот ҳажмида) қолдиришни рус маъмуриятидан сураганини эслатади ҳамда эндиликда қуйи навли чойга ҳам 12 сўмлик бож белгиланаётганлиги, унинг нархини 15 тийинга, яъни 1 пуди учун 1 тангага кўтариб юборишини бу эса, ҳар йили 6—7 минг пуд паст сифатли чой истеъмол этувчи аҳоли учун оғир юк бўлишини хавотирлик билан таъкидлайди. Лекин рус маъмурияти турли важлар курсатиб, амирнинг илтимосини қатъиян рад этади.

Натижада, Русиянинг Бухоро — Ҳиндистон савдо алоқаларига қарши олиб борган тазйиқлари ўз таъсирини кўрсатди. «Патта» ва «наузур» чойларини Бухорога келтириш кескин камаяди, чунки хонлик аҳолисининг паст сифатли бу чойларга нисбатан тўлов қобилияти деярли йўқолган эди.

1915 йилдан бошлаб, Ҳиндистондан келтириладиган ҳар бир пуд чой учун 18 сўмдан бож олиш бошлангач, ҳиндистонликлар Бухорога чой келтиришни тўхтатишга мажбур бўлдилар, зеро, Бухоро бу даврга келиб том маънодаги ҳақиқий мустамлакага айланиб бўлган эди.

Халқимизнинг ўтган аср тарихига оид юқорида қаламга олинган кичик бир тафсилот бугунги Узбекистоннинг ҳар бир фарзандини она-юрт мустақиллиги, бу бахтни асраб-авайлаш ҳамда қўриқлай олиш лозимлиги тўғрисида яна бир бор мушоҳада этишга ундаши шубҳасиздир.

Д. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари номзоди.

Ўзбекона меҳр-мурувват

САХОВАТ

Жиззах шаҳрининг «Наврўз» маҳалласида истиқомат қиладиган Саодат Мусаева юртимизнинг исми-жисмига монанд, чин маънодаги саодатли аёлларидан бири, 12 фарзанд — 5 ўғил ва 7 қизнинг меҳрибон онаси, 40 невара ва 2 чеваранинг табаррук бувиси. Бир сўз билан айтганда, пири бадавлат онахон.

Яқинда Соадат онанинг фарзандлари бирданига 46 нафарга кўпайди. Онахон ҳиммат ва саховат кўрсатиб, шаҳардаги Маҳкам Пирматов номидаги 29-болалар уйининг тарбияланувчиларини ҳомийликка олдилар.

Болалар уйи ҳовлисида қурилган дошқозонда ош дамланди. Ўзбекона ноз-неъматлар билан тўлдирилган дастурхон ёзилиб, ён-атрофдаги Ҳайдарбек Абдужабборов, Кўтарма, Гандумтош маҳаллаларининг ҳурматли кишилари таклиф этилди. Тарбияланувчиларга меҳр-муҳаббат тўла самимий истаклар изҳор қилинди.

Байрам дастурхонининг соҳибаси Саодат она 46 нафар тарбияланувчиларга фарзандлари билан ҳамкорликда ҳар бир болага мослаб олинган кийим-кечак ва пойабзалларни топширди. Мазкур совғаларнинг умумий нархи 120 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, Мусаевлар хонадони болалар уйига рангли телевизор, видеомагнитафон, гилам совға қилдилар. Айни пайтда жамғарма банкида ҳар бир тарбияланувчи учун ҳисоб дафтарчаси очиб, юз сўмдан пул ўтказганликларини билдирдилар ва ҳисоб дафтарчаларини эгаларига топширдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган Мусаевлар хонадонининг қариндошлари, дўст-ёрлари ҳам ҳиммат кўрсатишди. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Шокир Маматов 1 та гилам-палос совға қилган бўлса, шаҳар нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Олимжон Эсонов болалар уйи транспорт воситалари учун бепул 2000 литр бензин ҳамда 5000 сўм пул совға қилди. Олим Исоқов, Одил Саъдиев, Ҳайдар Ҳазратқулов, Имомқул Қурбоновлар эса 1600 сўм пул тақдим қилдилар.

Шаҳарликлар ҳиммати Зафаробод туманидан келган фермер Ширин Алиевани ҳам лоқайд қолдирмади. У шу куни бир қоп шакар совға қилиш билан бирга ҳар бир тарбияланувчининг жамғармасига 100 сўмдан пул қўйди.

— Фарзандларим хор-зорлик кўрмаган бўлса-да, ўзим етимлик нималигини яхши биламан, — дейди Саодат Мусаева, — янги келинчак бўлиб тушган пайтимда бирданига 9 нафар етим-қайним ва қайинсингилларим қўлимда қолиб, муштдаклигимда бир этак болага она бўлиб қолганман. Ўша кунлардаги қийинчиликлар ҳеч эсимдан чиқмайди. Худога шукр, фарзандларим топармонтутармон, рузғоримиз тўқис. Шунинг учун нафақа пулларимни жамлаб, камига болаларим Исоқжон ва Валижонларнинг топганидан қўшиб, болажонларга совға тайёрладик. 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган норасидаларнинг кувонганини кўриб, ўзимиз ҳам севиндик.

Болалар уйида ўтказилган «Саховат байрами»да вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Асад Мелибоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Гуландом Субхоновалар иштирок этдилар.

Бахтиёр РИЗО.

Олтин ёз

ДУНЁНИ ҚУТҚАРАЁТГАН ГЎЗАЛЛИК

Бу кўҳна дунёи дун ичра абад навқирон бир дунё бор. Бу — болалар дунёси... Бу — БОЛАЛИК дунёсидир. Бани одамнинг кўз очиб кўрадиган дунёси шулдир. Ва яна инсон муқаррар йўқотажак, бори умри соғиниб юражак дунё ҳам шул.

Фозиллар кафил турғувчи «дунёни қутқарадиган» гўзаллик қайда — болаларнинг қиқир-қиқир кулгусида, болаларнинг самимий нигоҳларида... Улар ҳамиша бизни яхшиликка чорлаб туради. Биз неки эзгу ишга жазм этсак, болаларимиз юзларидан кулгу аримасин учун қиламиз. Зеро, тинчлик деганимиз ҳам, том маънода болалар хушнудлигидир. Турли тадбирлар — таътил, ёзги дам олиш, саёҳат ва ҳоказолардан кўзланган мақсад ҳам битта — болалик дунёси фуқароларининг хушнудлигини таъмин этиш.

Суратқаш Муҳаммад Амин Косонсой туманининг бир қатор масканларидан муҳрлаб қайтган тасвирлар шу ҳақда ҳикоя қилади.

«ДИЛКУШОД ЖОЙ ЭКАН»

Бир вақтлар Заҳиридин Муҳаммад Бобур шу оромгоҳ ҳудудидаги Лоткан тепалигида бўлганларида «ДИЛКУШОД ЖОЙ ЭКАН» деган эдилар.

Буюк боболар кўнгил қўйган бу гўзал маскан бугунги кунда вилоят халқ таълими ходимларининг сўлим оромгоҳларига айлантирилган. Дам олиш уйи республикамиз мустақилликка эришган йилда очилган. Бу ернинг табиати, об-ҳавоси, ҳуш манзараси кишини ҳеч қандай дори-дармонсиз даволайди. Чилустун тоғлари елкангизга қўниб турғандай. Майин шабада меҳрибон қўл бўлиб юзкўзларингизни авайлаб силайди. Ям-яшил дов-дарахтлар, майин майсалар қуршовида бир зум ўзингизни жаннатнинг қоқ ўртасига тушиб қолгандай ҳис этасиз.

Маориф жонкуяри, 70 ёшли донишманд инсон Зулунхўжа ота Каримхўжаев, айтиш мумкинки, оиласи билан бу гўшанинг фидойиларидир. Уларнинг ташкилотчилиги, елиб югуриши туфайли вилоятларда, республикамизда ягона бўлган ана шундай даргоҳ муваффақиятли ишлаб турибди.

Дилкушод қишлоғидаги бу муаллимлар оромгоҳи бир ҳафталик бўлиб, унда авжи ёзнинг иссиқ кунларида таътилга чиққан муаллимлар, халқ таълими фахрийлари мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Шуни айтиш мумкинки, қарийб турт йил мобайнида бу ерга 3500 кишининг пойқадами етди. Оромгоҳнинг йил сайин имкониятлари кенгайиб боряпти. Биринчи йили бу ерда 289 киши дам олган бўлса, жорий йилда 1280 муаллим ва фахрийларга хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Қадамжодаги қулайликлар ва унинг айни чоғдаги муаммолари тўғрисида Зулунхўжа Каримхўжаев шундай дейди:

— Аввало, қишлоқнинг ўзига хос иқлими астма, қон босими, асаб касалликларига чалинган беморлар учун фойда қилади. Қувват-мурод деб аталувчи иссиқ қумдан бод, ниқрис, бўғим, бел оғриги касалликларига дучор бўлганлар шифо топадилар. Иккинчидан, бизда озиқ-овқат таъминоти яхши йўлга қўйилган. Бу соҳада халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларидан миннатдормиз.

Булардан ташқари, оромгоҳда янги фильмлар кўрсатилади, саёҳат ишқибозлари учун Ўғиртош, Қувватмурод, Тўғалоқ тоғ, Султон супа ва Ўш каби тарихий жойларга сайр уюштирилади. Яна бир янгилик шуки, ҳар ҳафтада маълум шаҳар ва туман халқ таълими раҳбарияти иштирокида маданий, адабий-бадиий учрашувлар ташкил этилади. Кейинги ҳафталарда Асака ва Булоқбоши туманлари маорифчилари раҳбарлари ашула ва рақс дастаси билан бирга меҳмон бўлдилар. Айниқса, Хўжаободдаги заиф эшитувчилар мактаб-интернатининг «Сомон» гуруҳи жуда катта тайёргарлик билан келишган экан. Кеча шу даста аъзолари ўзларининг қизиқарли концерт ва саҳна асарлари дастури билан меҳмонлар дилини хушнуд этдилар.

— Муаммоларимиз ҳам талайгина, — дейди Зулунхўжа ота гапида давом этиб. — Масалан, газлаштириш, сув тизимини тартибга келтириш энг долзарб вазифадир. Яқин келажакда душ ва ҳаммомларни ишга тушириш ниятимиз бор. Мусиқа асбобларига ҳам эҳтиёж сезиляпти. Дам олувчиларнинг яна бир истаги шуки, йўлланма муддатини икки ҳафтага чўзиш керак. Ана шунда маълум физиотерапевтик муолажа қилиш имконияти ҳам туғилади. Унинг нархи хусусида эса муаммо пайдо бўлмайди. Чунки дам олувчилар ҳозир битта йўлланма учун касаба уюшмалари орқали атиги 80 сўм тўлайдилар.

— Муаллимларга кўрсатилган ғамхўрлик учун вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Ажаб эмаски, яқин йилларда бу дам олиш уйи республика миқёсидаги оромгоҳ мақомини олса, — дейди республика Халқ таълими вазирлиги қошидаги педагог, уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгаши раиси Шораҳим ота Гадойбоев. Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Ажаб эмаски, отахоннинг орзуси рўёбга чиқиб, Бобур қадами етган Лоткантепа оромгоҳлари мамлакатимизнинг энг гўзал, энг обод, энг диққатга сазовор масканларидан бирига айланса.

Абдумуталиб АБДУЛЛАЕВ,
«Андижоннома» вилоят газетасининг муҳаррири.
Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Бири кам дунё

ВИДЕОКАССЕТАЛАР — АФЮН

ПЕКИН (Синхуа). Хитой бошкентида чиқадиган (маҳаллий) газеталар видеокассеталарни «инсонни тилкаловчи арслон» ёки «электроник қорадори» деб ҳисобламоқда. Хитой расмий газеталари оммани уйғотиб, мактаб ёшидаги болалар видеокассеталарни томоша қилмаслигини айтиб, бунга имкон яратганлар жазоланишини билдирдилар. Пекинда мактаб ёшидаги жиноятчи болаларнинг 27—30 фоизи даҳшат ва фаҳш — видеокассеталари таъсирида уни содир қилганликлари ҳам маълум қилинади.

ЎЗГАЧА ҚАРОҚЧИЛИК

ЛОНДОН. ОИТС (СПИД)га мубтало бўлган бир инглиз эркак ўз қони тўлдирилган шприц билан кишиларни кўркитиб, қароқчилик қилганлиги учун яқинда уч йил озодликдан маҳрум этилди. Докторлар бор-йўғи турт йил умри қолган, деб ҳисоблаган ОИТС (СПИД) бемори — Пол Меллоун Лондоннинг бойваччалари истиқомат қиладиган туманида қўлидаги шприц билан кўркитиб, автомобиль устахоналари, меҳмонхоналар ва кийим-кечак дўконларида талон-тарож уюштирган. ОИТСли йўлтўсар одамларга сунгги ҳужуми пайтида полицияга ушлаб топширилди.

РОҲИБЛАР ҲАМ ПОРАХЎР

ТУРИН. Сиёсий тизими порахўрлик жанжалларидан чирсиллаб турган Италияда икки нафар роҳиб улган кишилар қариндошлари ва гўрковлардан пора олаётганда ушланди. Турин шаҳри мозоридаги черков ходими Гуисеппе ва Расиро Орландо гўрковлардан идоравий йўл билан марҳумларнинг яқинларидан ҳаддан ташқари ортиқ хизмат ҳақи олишда айбланди. Шу қабристонда ўтган йили ҳам баъзи гўрковлар жасадларнинг қимматбаҳо нарсаларини ва тилло тишларини қоқиб олганликлари учун жавобгарликка тортилган эди.

ҒАЛАТИ ҚИЙНОҚ

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати кунига 16 соат ҳужраларига қамалган маҳбуслар ҳожатларини челакда чиқаришини уз кучида шу йилнинг охирларигача бекор қилиш хусусидаги ваъдасидан дўнди. Қиролича виктория давридан то ҳанузгача давом этаётган ва ички ишлар вазирлиги томонидан инсонийликни ерга урувчи муносабат сифатида баҳоланган бу тартибот ўтган йили декабрь ойида бекор қилинищи мўлжалланган эди. Инглиз ҳукумати жазо муассасалари тафтишчиси Яргич Стефан тумим (челакни ташқарида бўшатиш)ни амалга ошириш учун камида яна икки-уч йил кераклигини айтди. Уч йил аввал айнан ўша Тумимнинг жазо муассасаларида норозилик борасида берган рапортига биноан ҳукумат қамоқлардаги ҳужраларда ҳожатхоналар очиш учун 70 миллион фунт стерлинг ажратиб, бу дастур 1994 йил охирида бажарилишини маълум қилган эди.

Ўйлантираётган муаммолар

ФОЙДАГА ТЕНГ ЗАРАР

Давримизга қадар барча тузумларда ишлаб чиқариш бир томонлама, яъни фақат фойда учун кураш бўлиб келди. Афсуски, ишлаб чиқаришнинг фойдасига тенг, баъзида ундан ҳам ошиб тушадиган зарари ҳақида ҳеч ким, ҳеч қаерда — ривожланган ва кам ривожланган мамлакатларда ҳам ўйлаб кўрмади. Халқ мақолида айтиладики:

Ўйламай қилинган ҳар иш
Охири келтирар ташвиш.

Дарҳақиқат, бугун бу ташвиш тўла-тўкис ўзини намоён этди. Асримизда жаҳон аҳамиятига молик муаммо пайдо бўлди ва янги фан экология вужудга келди. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, унинг табиий ҳолда ривожланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолди. Бу вазифалар умумий таълимнинг барча бўғинларида — мактабларда, ҳунар билим юртларида, институтларда экология фани чуқур ўргатилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида ўгитлар оиладан, боғчадан бошлаб болалар онгига сингдирилса, янаям муваффақиятли бўлур эди. Дейлик, бола хонаки, зарарли ҳашаротларни ўлдирадиган дорини вишиллатиб ўйнаб кўчада ҳам қурт-қумурсқаларни ўлдирмоқда. Унга балки бу қизиқ ўйиндир. Лекин у табиатга катта зарар етказиб, мутаносибликни бузаяпти-ю, буни тушунмайди. Асосийси эса у ўзини ҳам заҳарламоқда, буни билмайди ҳам. Ёхуд гугурт билан ўйнаш, ёқиш... Резина, пластмассаларнинг (машина балонлари, резинадан ишлаб чиқарилган асбоб буюмлар) қизиқ кўринишдаги олов билан ёниши бола учун жозибали кўринади. Лекин у атрофдагиларни ва ўзини заҳарламоқда. Тирикликка катта зарар етказмоқда. Чунки резина таркибидаги заҳарли моддалар ҳавода кислород билан бирикади. Сўнгра буғ ва сув томчилари билан қўшилади-да, «кислота ёмғирлари» ҳосил қилади. Томчи ёки сув таркибига қўшилган бу катта моддалар барча металл буюмларни емиради, ишдан чиқишини тезлаштиради. Бола — бола-да! Майли, дейлик. Бу нима, болага меҳрибонликми, бефарқликми? Ёки экологик саводсизликми? Китика ва тарих, адабиёт ва бошқа фанларни ўқитиш давомида, ҳаммавақт имконият ва тажрибадан фойдаланган ҳолда болаларга тушунтириб борилиши керак. Бугунги кунда бу масала ўрта ва олий мактабнинг бирламчи ишидир. Ўқитувчи ўқувчиларга бу ҳақда кенг ва кўп далил, мисоллар орқали кўрган, ўқиган-билганларига таяниб маълумот бериши мумкин. Шу ўринда касбдош ва ватандошларим эътиборини бир ҳаётий мисолга қаратмоқчиман.

Қай бир йили камина ва яна иккита назоратчи Бухорои шарифнинг узоқ бир мактабига бориб текшириш ўтказдик. Мактаб директори бизни тушликка уйига олиб борди. Айни баҳор бўлишига қарамай биз соясида ўтирган токларнинг бири барг чиқариб, яна қуриб қолганлиги диққатимизни тортди. Қизиқишимизга жавобан эса уй соҳиби шундай деди:

— 5-синфда ўқийдиган қизчам озгина сода (синтетик кир ювиш воситалари; «Лотос», «Кристал», «Покиза» ва ҳоказолар) солиб кўйлагини ювибди. Мағзавани эса ерга тўкмай ўсимликка фойдали деб ўйлаб, ток илдизига қуйган экан. Қуриди. Кўкарди-ю, лекин ўсмади, қуриб қолди...

Қаранг-а! Озгина синтетик кир ювиш воситаси қўшилган мағзава ва ўй йиллик токни қуритибди. Ҳўш, бу модда килограмлаб сувга, грамлаб озиқ-овқатга қўшилса, бизга ва бошқа тирик жонзодларга қанчалик зарар етади. Бу ҳақда ўйлаб кўрганмизми?

Замонамизнинг етакчи олимларидан бири айтадики, «агар қандайдир коинот диверсантларини ер юзини тошга айлантириш, барча жонзотни қириб ташлаш учун юборганда ҳам улар бизчалик, яъни ер юзида яшовчи ва ўзини унга дўст деб ҳисоблаётганларчалик маккорона ва ақлли ҳаракат қилишолмасди». Ажаб! Биз бундан-да лўндароқ қилиб не ҳам дердик.

Саъдин ҚУРБОНОВ,
нафақадаги ўқитувчи.

Бухоро шаҳри.

Спорт

ИХЛОС

Абдураҳмон Отамуродовни Ғиждувон туманида спорт жонкуяри сифатида танишади. У ўрта мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда чемпион бўлганди. Шунга ҳам чорак асрдан ошибди.

Абдураҳмон 1974 йилда Қарши давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини битириб, ўзи ўқиган Садриддин Айний номидаги мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

— Мен, — деб ҳикоя қилади Абдураҳмон Отамуродов,— ўқитувчилик фаолиятимда қандай ютуққа эришган бўлсам, бунда устозим Ғайбулло Жунайдовнинг ҳиссаси катта. Айни пайтда туманимиздаги илғор жисмоний тарбия ўқитувиларининг тажрибаларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдим.

Ҳа, Абдураҳмон ҳаракатчан, изланувчан ўқитувчи. У фақат мактабда эмас, ўзи истиқомат қиладиган Файзулла Ҳужаев номидаги жамоа хўжалигида ҳам ёшларнинг спорт билан шуғулланишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Уз касбининг фидойиси Абдураҳмон Отамуродов 1977 йилда туман халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган «Ёш куч» қўнгилли спорт жамияти йўриқчиси сифатида фаоллик кўрсатди. Айниқса, Н. Жўрақулов, Ш. Шодиев сингари шогирдлари ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришда унга камарбаста бўлишди.

Абдураҳмон ўқувчилик йилларида енгил атлетикадан вилоят чемпиони бўлганди. Унинг шогирдларидан Олим Туйбоев, Шабон Тиловова, Дилфуза Шамсиевалар туман чемпионлари бўлиб, вилоят биринчилигида совринли ўринларни эгаллашди. Олим Туйбоев билан Матлуба Шодиева республика мусобақаларида иштирок этишди.

Жисмоний тарбия ва спорт ривожи моддий базага боғлиқлигини чўқур ҳис этган Абдураҳмон жамоа хўжалиги билан ҳамжиҳатликда замонавий спорт мажмуини барпо этишда бевосита иштирок этди. Футбол майдони, стол тениси, шахмат-шашка заллари, 2 та баскетбол, 2 та волейбол ва битта қўл тупи майдонидан иборат спорт мажмуи беш йилдан буён ёшлар хизматида.

Спорт мактабининг шахмат, миллий кураш, стол тенниси, футбол секцияларига малакали мутахассислар раҳбарлик қилиб келишаётир.

А. Отамуродов 1992 йилда туманда янги ташкил этилган 27-болалар спорт мактабига директорлик қилиш билан бирга Садриддин Айний номидаги 3-мактабда жисмоний тарбиядан дарс бериб келмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мазкур мактабнинг эришган ютуқларини туман ва вилоят миқёсида ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақалари якунларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бухоро вилояти чемпиони бўлган мазкур мактабнинг «Соктари» командаси республика телевизион «Қувноқ стартлар» мусобақасида Қорақалпоғистоннинг «Турон» командаси билан ўтган йилнинг октябрь ойида куч синашиб, 23:18 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Мазкур команда Наманган вилоятининг «Ғолиб» командасини ҳам йирик ҳисобда мағлубиятга учратди ва Жиззах вилоятининг «Истиқлол» командаси устидан 23:18 ҳисобида ғалаба қозонди. Финалда Фарғона вилоятининг «Заркент» командаси билан учрашувда катта маҳорат ва ирода кучини кўрсатди ва республика чемпиони бўлди.

Уз касбига ихлос қўйган сергайрат ва фидойи спортчи Абдураҳмон Отамуродов мактабнинг Ш. Шодиев, Ш. Болтаев, В. Султонов, К. Ҳамроев сингари ишчан муаллимлари ва мактаб директори Ш. Тилововнинг яқиндан кўрсатган ёрдами, туман спорт қўмитаси раиси Ш. Аҳмедов мадади билан соғлом авлод тарбияси йўлида таҳсинга лойиқ ишларни амалга ошираётир.

Ғафур МИРЗО.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Ражаббой Соҳибназаровнинг мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ спортга иштиёқи зўр эди. Республикада хизмат кўрсатган тренер Али Тўраев спортда унга мураббийлик қилди.

Мактабни тугатгач, Ражаббой пойтахтга йўл олди. У республика жисмоний тарбия институтида ўқиб юрган пайтларида енгил атлетика бўйича спорт устаси, Республикада хизмат кўрсатган тренер Р. Файзулакбаров, Р. Қудратов, Ҳ. Рофиевлар раҳбарлигида спорт маҳоратини оширди.

Ражаббой талабалик чоғларида Харьков, Ужгород, Киев, Ленинград, Москва шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашди.

Бундан ўн саккиз йил бурун институтни «аъло» баҳоларга тугатгач, Самарқанддаги А. С. Макаренко номидаги педагогика билим юртига ишга келди. Тез орада ўзининг бетиним меҳнати туфайли жамоа ўртасида эътибор қозонди.

Моҳир спортчи Афғонистон урушида қатнашиб, Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди. Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда, талабаларни турли шўъбаларга жалб этишда кўзга кўринарли ишларни амалга оширмоқда. У билим юртидаги таълим-тарбия соҳасидаги фаол ишлари учун «Халқ маорифи аълочиси» нишони соҳиби бўлган.

Тажрибали ўқитувчи сифатида у Ж. Тошназаров, А. Баҳриддинов сингари ёш педагоглар билан ёнма-ён ишлаб, уларга ўз иш тажрибасини ўргатмоқда.

Э. МАҲМУДОВ,
ўз мухбиримиз.

Янги китоблар

«ТАНДА ОРОМИМ ЙЎҚ НА КУН, НА КЕЧА...»

ҲИКМАТ БАХШИ ҲИКМАТЛАРИ

Бугун миллий қадриятларини тиклайдиган, йиқилаёзган минорларнинг ғиштини қўядиган, сарғайган китобларнинг чангини артадиган замондир. Гап шундаки, шўро тузонида оҳори тўкилмаган сўзлар, халқона қўшиқлар, ҳунармандчилик осори атиқаларни олис қишлоқларда, саҳро овулларида, тоғ этакларидаги қўналғаларда, «тараққиёт»дан бебаҳра манзиллардагина яшаб қолди. Бугун яна бахшичилик ҳам тикланмоқда.

Самарқандлик бахши Ҳикмат Мусулмоннинг асли касби ўқитувчиликдир. Аммо у дўмбира чертиб ҳам «ўқитади». Яқинда бахшининг «Най навоси» номли китобчаси чоп этилди. Унда китобчага ном берган достон, «Муродтепа афсонаси», бошқа шеърлар бор. Ўнлаб достонлар, юзлаб терма ва ривоятларни ёддан айтиб юрган дўмбирачининг ўз асарлари буюк меросимиз таъсиридан ҳам холи эмас, албатта. Аммо у ўзини бу руҳий оқимга бегона эмас, эш деб билади ва бу тўғридир:

Қулоғингни Эргаш шоир бураган,
Торларингни Фозил Йўлдош улаган,
Пўлкан бахши чертиб ўтган
дўмбирам...

Ҳикмат бахши раҳматли Қодир бахшини йўқлаб: «Эй гулшан, сайроқи булбулинг қани...» — деб ўзлайди ва ота созини фарзандлар қўлида кўриб таскин топади. Шоирнинг шеъри ҳам фарзандидай гап, азиз маъводир. Бахшининг сатрлари бир қараганда оддий кўринади, бурама сатрлар, истиоралар, ташбеҳлар йўқ. Ташбеҳлар — фикрнинг либосидир. Шеърида либоснинг ўзигина эмас, либосни ушлаб турадиган вужуди — фикри бўлмоғи лозим. Ҳикмат бахшининг ҳам ана шундай ҳикматлари анчагина. Бу қувончлидир.

Карим ҲАКИМЎҒЛИ.

Тошкент шаҳридаги 104-мактаб томонидан ШЕРАЛИЕВА Машкура Ғуломовна номига берилган № 435976 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимияти, туман халқ таълими бўлими, тумандаги 90-мактаб жамоаси шу мактабнинг директори И. А. Уринбоевга онаси Соҳиба Яҳёевна ЯНБОРИСОВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0353. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6